Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 81 (5672).
6 АПРЕЛЬ 1985 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЎЗБЕКИСТОН ЛЕНИНЧИ КОММУНИСТИК ЁШЛАР СОЮЗИГА

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг ёш намояндаларини, студентларни, ўқувчиларни, йигит ва қизларни, республиканинг бутун комсомол ташкилотини шонли сана— Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг 60 йиллиги билан қизғин ва самимий табриклайди.

Ёшлар ҳаракатига партиявий раҳбарлик социалистик жамиятда авлодлар революцион ворислигининг энг биринчи шарти ва энг муҳим кафолатидир, комсомол ғоявийлиги, жанговарлиги ва ижодий активлигининг гаровидир. Ленин комсомолни партиянинг ишончли резерви, ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялашда, коммунизм идеаллари тантанаси учун курашда унинг актив ёрдамчиси ролини муносиб равишда бажармоқда. КПСС Марказий Комитетининг «Комсомолга партия раҳбарлигини янада яхшилаш ва ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш тўғрисидаги қарори партиянинг ёшлар ҳақидаги оталарча ғамхўрлиги далилидир.

Совет ҳокимияти учун оғир кураш йилларида, Улуғ Ватан урушн фронтларидаги жангларда, урушдан кейинги тикланиш, севикли Ватанимиз иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш даврида республиканинг шонли йигит ва қизлари бутун мамлакат билан биргаликда Коммунистик партия раҳбарлигида жанговар ва меҳнат қаҳрамонликни намуналарини кўрсатдилар ва кўрсатмоқдалар, ўзларининг зарбдор меҳнатлари билан кўпмиллатли Ватанимиз халқ хўжалигини ва маданиятини ривожлантиришдаги, бутун дунёда тинчлик учун изчил курашдаги муваффақиятларини кўпайтирмоқдалар.

Катта Фарғона канали қурилишида, Мирзачўлни, Қаршн ва Жиззах даштларини ўзлаштиришда, Амударё этакларида йирик шолиқорлик зонасини вужудга келтиришда, Бухоро — Урал газ қувурини, катта кимё корхоналарини барпо этишда, халқ хўжалигининг бир қанча энг муҳим тармоқларига оталиқ қилишда қатнашиш Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзининг йилномасида шонли саҳифалар бўлиб қолди.

Республика комсомол ташкилоти Ленин ордени билан мукофотланганлиги — Коммунистик партия билан Совет давлати Ўзбекистон комсомоли уч миллионли отрядн фаолиятига юксак баҳо берганлигининг тимсолидир. Бу — комсомол ва ёшларга ҳамиша Ленин васиятларига содиқ бўлиш ҳақидаги наказдир.

Коммунистлар партияси, КПСС ленинчи Марказий Комитети ва унинг Снёсий бюроси теварагида маҳкам жипслашган ВЛКСМнинг жанговар отряди — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи КПСС Марказий Комитети билан Совет ҳукуматининг ленинча ички ва ташқи снёсатини, КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил навбатдан ташқари март Пленуми якунларини астойдил маъқуллаб ва қўллаб-қувватлаб, социалистик қурилишнинг ҳамма соҳаларида партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари қарорларини, Ўзбекистон Компартияси XX съездининг йўл-йўриқларини бажаришда актив қатнашмоқда.

Ҳозир минг-минглаб ғайрат-шижоатли ёшлар бутун мамлакат йигит ва қизлари билан биргаликда кўпгина зарбдор қурилишларда меҳнат қилмоқдалар, Ноқоратупроқ ўлка ва Сибрнинг табиий бойликларини ўзлаштирмоқдалар, Байкал-Амур магистралини қурмоқдалар. Комсомол ва ёшларнинг КПСС XXVII съездини, Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошлаган ватанпарварлик ҳаракати кенгайиб бормоқда.

1985 йил ва умуман ўн биринчи беш йиллик планларини муваффақиятли бажариш, ёшларни коммунизм ишига астойдил садоқат руҳида тарбиялаш — ҳозир комсомол фаолиятидаги энг асосий вазифадир. Комсомол ташкилотларининг интизом, уюшқоқлик ва тартибни янада мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларини бажариш соҳасидаги ишини кучайтириш жуда муҳим партиявий топшириқдир.

Иқтисодий ва социал тараққиётнинг ҳамма соҳаларида комсомол социалистик жамиятнинг шитобли ривожланишига ҳалақит бераётган, коммунистик ахлоқ нормаларига ва принципларига зид бўлган жамики иллатларга қарши ўзига хос дадиллик, қатъият ва муросасизлик билан курашмоғи лозим. Ёш ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг зарбдор меҳнати, маҳорати, изланиши, уларнинг ривожланган социализм олий талабларини кўзлаб иш тутиши янги жамият қурилишида янада кўпроқ салмоқли натижалар бериши керак.

Ёшларнинг ғайрат-шижоатини ва ижтимоий активлигини янада ривожлантириш республика комсомол ташкилоти фаолиятидаги бош йўналишлардан бири бўлиб қолиши керак. Комсомол ва ёшлар Озиқ-овқат ва Энергетика программаларини, ерларни мелорациялашнинг узоқ муддатли программасини, КПССнинг барча улуғвор режаларини амалга оширишга муносиб ҳисса қўшишларига партия умид қилади.

Ўзбекистон Ленин комсомолининг пахтачиликни механизациялашда, дон етиштиришда, жамоат чорвачилиги самарадорлигини оширишда, ижтимоий хизматлар соҳасини ривожлантиришда, ишчилар синфининг ёш ўринбосарларини тарбиялашда қатнашишн бундан буён ҳам чуқур, конкрет мазмун билан тўлиб бораверишн, партиянинг программавий вазифаларини муваффақиятли ҳал этишга — меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини ва маданий савиясини оширишга кўмаклашишн керак. Ҳар бир йигит ва қизнн ўртада турган вазифаларнинг кенг кўлами ва мураккаблигини равшан тушунадиган, зўр ғайрат ва ташаббускорлик билан ишлаб, шу вазифаларни бажаришга тайёр ва маҳоратли, имконн борича кўпроқ натижаларга эришадиган қилиб тарбиялаш зарур.

Республика комсомол ташкилотларининг Халқаро ёшлар йилини ўтказиш соҳасидаги фаолияти, Ёшлар ва студентларнинг Москвада ўтказиладиган XII жаҳон фестивалига тайёргарлик ишлари халқаро ёшлар ҳаракатида, тинчлик ва дўстлик учун курашда, Ер юзининг барча халқлари хавфсизлигини мустаҳкамлашда, империализмнинг кирдикорларига, душман мафкурасий ғаламисликларига қарши курашда муҳим босқичлар бўлиб қолиши лозим.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Коммунистик партия билан совет халқининг шонли революцион, жанговар ва меҳнат анъаналарига садоқатли республика Ленин комсомоли партия ташкилотлари раҳбарлигида халқ хўжалигидаги энг муҳим вазифаларни ҳал этишда янада кўп куч-ғайрат сарфлайди, Ватанининг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашда, ёш авлодни ленинча идеаллар руҳида тарбиялашда янги муваффақиятларга эришади, деб қатъий ишонч билдиради.

Яшасин ВЛКСМнинг жанговар отряди — Ўзбекистон Ленинчи Коммунистик Ёшлар Союзи!

Яшасин партиянинг содиқ ёрдамчиси ва резерви — Ленин комсомоли!

Барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

5 апрелда Тошкент область партия комитетининг VIII пленуми бўлиб ўтди.

Пленум «Область партия ташкилотининг партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари талаблари асосида кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни янада яхшилаш юзасидан вазифалари» тўғрисидаги масалани муҳокама қилди.

Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов шу масала юзасидан доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Тошкент шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари К. П. Дудин, Коммунистик районидаги «Ўзбекистон» колхози аъзоси Ф. Ғозиева, Оржоникидзе район партия комитетининг биринчи секретари С. Д. Сайдалиев, Ўзбекистон ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Б. С. Пармузин, Оққўрғон пахта тозалаш заводи техника-контроли бўлими бошлиғи, бошланғич партия ташкилоти секретари Л. А. Бойкова, Олмалиқ кон-металлургия комбинати директори В. Н. Сигедин, «Ташсельмаш» заводи токари К. К. Петяшев, Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Березовский, Бекобод районидаги Ленин номли колхоз раиси Ҳ. Ҳамроқулов, область касаба союзлари Советининг секретари С. У. Муҳаммаджонова, Бўстонлиқ район ижроия комитетининг раиси А. Айдарқулов, Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари М. М. Маҳмудов иштирок этдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди.

Пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди.

О. З. Зуфаров бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан пленум уни область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири ва область партия комитети бюро аъзолигига кандидатлик вазифаларидан озод этди.

Пленум А. И. Севастьяновни область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудири этиб тасдиқлади.

Ишда хатоларга йўл қўйганликлари учун пленум Т. Исломов, В. О. Қозимов, Ж. Р. Ризаевни область партия комитети составидан чиқарди.

КАДРЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРАЙЛИК

Қорақалпоғистон, Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё, Сирдарё, Навоий область партия комитетларининг 5 апрелда бўлиб ўтган пленумларида замон талаблари ва кадр сиёсати, унинг халқ хўжалиги ва социал вазифаларни ҳал этишга таъсири масалалари диққат марказида бўлди. Пленумларнинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI ва XIX пленумларининг талаблари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш соҳасида область партия ташкилотларининг вазифаларини муҳокама этдилар. Нукусда — Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари К. Саликов, Бухорода — обком биринчи секретари И. Жабборов, Термизда — обком биринчи секретари А. Каримов, Қаршида — обком биринчи секретари Н. Т. Туропов, Гулистонда — обком биринчи секретари В. А. Антонов, Навоийда — область партия комитетининг биринчи секретари В. П. Есин доклад қилдилар.

Область комитетларининг пленумларида қуйидагилар нутқ сўзладилар: Нукусда — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов, Бухорода — Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Ғ. Ҳ. Қодиров, Термизда — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари Т. Н. Осетров, Қаршида — Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Е. А. Айтмуротов, Гулистонда — Ўзбекистон ССР давлат ҳавфсизлиги комитети раиси В. А. Головин, Навоийда — Ўзбекистон ССР халқ контроли комитетининг раиси В. А. Хайдуров нутқ сўзладилар.

Қорақалпоғистон область партия комитети пленуми ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими М. Л. Ишков, Навоий область партия комитети пленуми ишида КПСС Марказий Комитетининг масъул ходими В. В. Дорофеев иштирок этдилар. (ЎзТАГ).



Тошкент трактор заводида ўзининг зарбдор меҳнати билан шуҳрат қозонган, юқори сифатли маҳсулот тайёрлаётган кўпгина комсомол-ёшлар бригадаларн бор. Сергей Егоров бошчилик қилаётган ёшлар коллективи ана шундай коллективлардан бири ҳисобланади. Бригадада ўн тўққиз киши меҳнат қилади. Уларнинг ҳар бири бир неча операцияни мукаммал ўзлаштириб олган. Ёш машинасозлар смена топшириқларини мунтазам 120— 130 процент адо этишади. Ҳозир пешқадам бригада 1986 йил ҳисобига меҳнат қиляпти. Ёш ишчилар ўзларининг меҳнат зафарларини Улуғ Ватан урушида қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишламоқдалар.

СУРАТДА: Сергей Егоров бригадаси аъзолари.

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИ ПРАВЛЕНИЕСИНИНГ ПЛЕНУМИ

5 апрель куни Тошкентда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи правлениесининг пленуми бўлди. Ташкилий масала кўриб чиқилди. Пленум С. О. Азимовни унинг илтимосига мувофиқ республика Ёзувчилар союзи правлениеси биринчи секретари лавозимидан озод қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Ҳ. Абдуллаева пленумда нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» СТУДИЯСИДА ЯРАТИЛГАН

Ўзбекистон кинематографчиларининг 5 апрель куни Тошкентда тамом бўлган ижодий конференциясида «Ўзбекфильм» киностудиясининг ўтган йилги иш якунлари муҳокама қилинди.

Мамлакат экранларига етти-та бадиий фильм чиқарилди. Булар орасида Туркистон ўлкасидаги революцион воқеалар ҳақида ҳикоя қилувчи «Жонтойнинг қасами», ўзбек ва ҳинд кинематографчилари биргаликда яратган «Севги афсонаси» фильмлари бор. «Наштар» республика сатирик журналининг олтита сони, бир қанча мультипликацион фильмлар чиқарилди. «Майин ёмғир ёғади» фильми Лейпциг кинофестивалининг олий мукофоти — «Олтин кабутар» совринига сазовор бўлди.

(ЎзТАГ).

ГЕОЛОГЛАР БАЙРАМИ

Ўзбекистон геологлари беш йиллик бошидан бери нефть ва газ, рангли металлар ва фосфорит, мармар ва ер ости сувлари сингари фойдали қазилма бойликларининг ўтказилма тўртта конини қидириб топдилар. Шу давр ичида 78 та ер ости хазинаси саноат асосида фойдаланишга топширилди. Бу конларда фойдали қазилмаларнинг запасларини аниқлаш муваффақиятли тугалланди. Беш йиллкнинг якунловчи йилида ер ости бойликларини қидирувчиларнинг кўпминг кишилик коллективи олдида кенг кўламдаги вазифалар турибди. КПСС Марказий Комитети 1985 йил март Пленумининг қарорлари талаб қилганидек, фан-техника тараққиёти ютуқларини фаолроқ ўзлаштириш, энг янги техникани ва геология-қидирув ишлари технологиясини кенг жорий этиш, меҳнатни ташкил этишни такомиллаштириш зарур. Бу эса республика саноатининг минерал — хом ашё базасини тезроқ ва самаралироқ мустаҳкамлаш, мамлакат индустриал потенциалини оширишга муносиб ҳисса қўшиш имконини беради.

Совет геологлари кунига бағишлаб 5 апрелда Тошкентда ўтказилган тантанали мажлисда шу ҳақда гапирилди. Ўзбекистон ССР геология министри Ҳ. Т. Тўлаганов доклад қилди. **(ЎзТАГ).**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорлари—ҳаётга!

«Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталарининг рейди

ИШ ВАҚТИНИНГ ҚАДРИ

ЁКИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ҚАЕРДА ВАҚТЛАРИНИ ЙЎҚОТИШЯПТИ?

Меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомига қаттиқ риоя этилишининг аҳамиятини баҳолаш қийин. КПСС Марказий Комитетининг июнь (1983 йил) ва март (1985 йил) Пленумларида таъкидланган эдики, партиямиз Марказий Комитетининг интизомни ва меҳнатнинг ташкил этилишини мустаҳкамлаш йўли —иборали қилиб айтганда, бутун дастгоҳни қовуштириб турган айни ўзакнинг ўзидир: меҳнат унумдорлиги ҳам, маҳсулот сифати ҳам, пировард натижада эса бутун турмушимизнинг даражаси ҳам шунга боғлиқ. Интизомни мустаҳкамлаш — қисқа муддатли кампания эмас, балки кун сайин қунт билан қилинадиган ишдир. Бинобарин, маъмуриятгина эмас, балки меҳнаткашлар ҳам бу ишда бевосита қатнашган тақдирда, бу иш омманинг тажрибасига, онглилигига ва ғамхўрлик активлигига таянган тақдирдагина муваффақият таъминланади.

Ҳизмат кўрсатиш соҳаси ушбу долзарб масаланинг ажралмас бўғинларидан бири ҳисобланади. Зеро, жамоат транспорти қандай ҳаракатланаётгани, маиший хизмат корхонасида буюртмалар қандай бажарилаётгани, савдо қай даражада тўғри ташкил этилаётганига бизнинг кайфиятимиз ҳам, ишлаб чиқаришдаги маҳсулдорлигимиз ҳам боғлиқ. Лекин, биз кўпинча қимматли вақтимизни бекатларда самарасиз йўқотамиз, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш учун навбатда туриб қоламиз, буюртма бажарилишини барбод этаётган модалар ателесига, «Зангори экран» устахонасига қайта-қайта борамиз. Биз кўпинча бундай борди-келди учун иш вақтидан фойдаланишга уринамиз, бу, албатта, бутун бир коллективнинг ишлаб чиқариш фаолиятида акс этади.

«Тошкент оқшоми» редакцияси ушбу сондан бошлаб рейд материаллари туркумини ёритишни бошлайди. Уларда хизмат кўрсатиш соҳасининг турли тармоқларидаги камчиликлар ва нуқсонлар очиб ташланади. Биз қаерда ва кимнинг айби билан тошкентликлар қимматли вақтларини йўқотяптилар деган саволга жавоб беришга интиламиз. Ана шу рейдларни ўтказишда мухбирларимиз билан биргаликда Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг ходимлари иштирок этишади.

«Вазифалар ва ишларнинг кўлами анча ортган шароитда ҳар қандай ижросизлик катта зарар келтиради»

(Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларидан).

1. ТРАНСПОРТ ПАНД БЕРГАНДА...

Ҳар бир шаҳарликнинг иш куни шаҳар транспортига чиқишдан бошланади. Кўплаб кишиларнинг меҳнат интизоми иш жойимизга қандай кайфият билан, қандай етиб олишимизга боғлиқ.

Кечки ишдан қайтиладиган йўловчилар гавжум соатларда автобусларнинг охирги «Ташсельмаш» бекатида бўлган киши ҳар куни бир хил манзарани кўриши мумкин. Унлаб кишилар ишдан кейин транспорт кутиб турган бўлишади.

— 3-автобус қатновида мунтазамлик йўқ, — дейди В. П. Чкалов номли Тошкент авиация бирлашмаси фрезерчиси В. Дуздич, — уни узоқ кутиб туришга тўғри келади.

Худди шу фикрни авиация бирлашмасининг бошқа ходимлари Чилонзор массивида яшовчилар И. Озарних, В. Корнеева, И. Гусейнова ва бошқалар тасдиқлашади. Улар кўпинча «сўл» транспортдан фойдаланишларига тўғри келади. Рейдимиз пайтида соат 18 да бекатга «Ташоблавтопарк»ка қарашли «ЛАЗ—695» (давлат номери «19—78 ТШМ») автобуси кириб келди. Одамлар оломони бир зумда «халоскор сўлчиға ёпирилишди. Ҳайдовчи шу захоти Чилонзорга олиб боришга розн бўлди. Ҳайдовчи В. Пакнинг йўл варақаси текширилганда, у айни пайтда Сергели ошхона ва бошқа мебеллар заводида бўлиши керак эди. Наҳотки автопаркдагилар бундай рейслар ҳақида ҳеч нима билишмайди? Ушбу саволга автопарк директори Р. Н. Кандиновнинг жавобини эшитишни истардик.

— Биз ишдан кейин ана шу йўсинда уйга етиб олишимиз мумкин,— дейди чилонзорлик Л. Ревякина. —Илгари 70-«экспресс» автобуси юрганида, ҳаракат интервалига риоя этилар, Чилонзорга етиб олиш жуда қулай эди.

Юқоридаги гапларга ўзимиз ишонч ҳосил қилдик. 25 минутдан сўнг 16 дан 20 минут ўтганда «52—65 ТНА» автобуси келди. Йўловчилар гавжум пайтда интервалнинг бунчалик бузилишига охирги бекатда диспетчерлик пункти йўқлиги ҳам имкон бераётганга ўхшайди. Ҳайдовчилар назорат йўқлигидан фойдаланиб, кўнгилларн қанча тусаса бу ерда шунча вақт тураверишади.

Агар В. П. Чкалов номли авиация бирлашмаси ёнидан ўтувчи шаҳар транспортининг бошқа маршрутлари ҳақида гапирадиган бўлсак, 28-«экспресс»нигина ажратиб кўрсатиш мумкин. Унинг ҳаракат мунтазамлиги «пик» соатларда 5—10 минутни ташкил этади.

«Касб касалликлари институти» бекати. Кечки чоп-чоп пайт. 89 ва 16-маршрутдаги автобуслар аниқ график бўйича юряпти. Ундан тушаётган пассажирлардан ушбу маршрутлар ишн ҳақидаги фикрларини сўраймиз.

— Ҳозир машиналар яхши юряпти. Лекин эрталаб анча ташвишга солди, —дейишди бир овоздан санитария ва гигиена институти илмий ходими Г. Ҳолматова, трикотаж фабрикаси ишчилари Л. Деева ва А. Архипова, —Темир йўл вокзалидан 16-автобусда жўнаб кетиш қийин, чунки нима учундир машиналар эрталаб соат саккиздаёқ бу ердан пассажирларни олмай жўнаб кетади. 30—40 минут кутиб қолишга ва бошқа йўл-йўлакай транспортда жўнаб кетишга мажбур бўламиз.

16-маршрутнинг ёмон ишлашн оқибатида 3 апрель куни санитария ва гигиена институтининг 48 ходими ишга кечикди, кўплаб кишилар трикотаж буюмлари фабрикасининг биринчи сменасига келишга кечикдилар.

«Дубовая» бекати, эрталабки «чоп-чоп» пайт. 15-автобус маршрутининг интервали 20—25 минутни ташкил этяпти.

Қорасув массивидан метронинг «Максим Горький» станцияси томон борувчи 63-автобуслар график бўйича қатнаяпти. Бироқ бекатларда одамлар тўпланиб қолган. Бундан кўринадики, график пассажирлар оқимн ҳисобга олинмай, номигагина тузилган. Бу маршрутга қўшимча транспорт юборилмоғи лозим.

Агрегат заводида тонгги смена бошланганида ҳали эшикдан онда-сонда ишчилар югуришиб кириб келишаётган эди.

Кадрлар бўлимида бизга маълум қилишларича, 4 апрель куни 22 киши ишга кечикди. Ундан олдинги кунларн ҳам интизом бузувчилар сони салмоқли эди. 2 апрелда — 30 киши, 3 апрелда —16 киши кечиккан. Бунинг сабаби нимада? Биз ушбу саволни кадрлар ва маиший соҳа бўйича директор ўринбосари Ю. Г. Савинга бердик.

— Биз ишлаб чиқаришда қаттиқ тартиб ўрнатиш учун барча чораларни кўряпмиз,— деди у. —Шу мақсадда тадбирлар ишлаб чиқилган бўлиб, унда тарбиявий ишларни, интизомий ва моддий таъсир чораларини кучайтириш кўзда тутилган. Муайян даражада ишга кеч қолишларнинг сабаби 43, 56, 82, 93, 10, 85, 98-автобуслар, 7 ва 10-троллейбуслар, 10 ва 27-трамвайларнинг бир маромда қатнамаслигидадир. Тегишли хат билан райижроком ва транспорт ташкилотларига мурожаат этиш ниятидамиз.

3 апрель куни Акмал Икромов райони корхоналари ва ташкилотларида ишга кечикишлар бўлгани кузатилди, уларнинг бир қисми жамоат транспортида график бузилгани оқибатида содир бўлди. Булка--кондитерлик комбинати ишчилари А. Саидмуҳамедов, Р. Чернышева, С. Киселева, Х. Камолова 10-20 минутдан «ушланиб қолишди». Сут саноати ишлаб чиқариш бирлашмасида учта кечикиш рўйхатга олинди. Заргарлик заводида 1 апрелдан 3 апрелгача иш сменаси бошланишига 35 киши кечикиб келди.

(Давоми 2-бетда).

Ш У КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Тошкент авиакорхонасининг катта коллективи 20 апрелда бўладиган коммунистик шанбаликда ишлатнладиган барча техника воситаларини шайлаб қўйди. Бўлимнинг бир неча минг кишиси шанбаликда ғайрат ва шижоат билан меҳнат қилади, кўпчилик бевосита иш жойларида хизмат қилади.

Авиаторлар шанбалик куни 9 минг пассажирни мамлакатимизнинг турли манзилларига етказиб қўйишга, 130 тонна почта ва халқ хўжалик юкларини ташиб беришга аҳд қилдилар. 500 пассажирга планга қўшимча равишда хизмат кўрсатилади. Авиаторлар шу йилнинг уч ойида 200 тонна ёқилғи тежашга эришдилар. Тежалган ёқилғи эвазига шанбалик куни Москва йўналишидаги самолётлар қатнови ташкил этилади. Бундан ташқари, 5 минг сўм беш йиллик фондига ўтказилади.

Корхонанинг энг моҳир учувчилари, Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Ғ. А. Саримсоқов, А. П. Дяченко сингари командирлар «ИЛ—86» самолётларини бошқарадилар.

Тошкент область партия комитетида корхоналар, муассасалар ва ўқув юртлари партия комитетлари секретарлари ва кўп нусхали газеталар редакторларининг семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Бу семинар кенгаш «Кўп нусхали матбуотга раҳбарлик қилишда партия комитетларининг роли ва ўрни» мавзусига бағишланди.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб совт 11 да Тошкентда 12 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 6—8, эртага кундузи 12—14 даража иссиқ бўлади.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ XVI ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИ—АМАЛДА

КПСС XXVI съезди, партия Марказий Комитетининг сўнгги пленумларида ишлаб чиқилган стратегик йўл, мамлакатни соцнал-иқтисодий жиҳатдан янада юксалтиришни, жамият ҳаётининг барча томонларини такомиллаштиришни тақозо этади. Сўз ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш тўғрисида, ижтимоий муносабатлар, биринчи навбатда иқтисодий муносабатларни такомиллаштириш тўғрисида боряпти.

Партиянинг халқ хўжалигини жадал ривожланиш йўлига ўтказишда кескин бурилиш ясаш йўли меҳнат коллективлари томонидан жанговар ҳаракат программаси сифатида қабул қилинди. Биз қисқа муддатларда энг олдинги марраларга чиқиб олишимиз, фан-техника тараққиёти таъсирини кўтаришимиз, ижтимоий меҳнатнинг юксак унумли бўлишига эришмоғимиз шарт ва лозим. Бу вазифани муваффақиятли ва тез ҳал этиш учун хўжалик механизмини, ишлаб чиқаришни бошқаришнинг бутун системасини бундан буён ҳам қунт билан такомиллаштириш зарур.

Сифатга эътибор

КОРХОНА МАРКАСИ ШАРАФИ УЧУН КУРАШДА БРИГАДАЛАР РОЛИНИ ОШИРАЙЛИК

«Ҳар куни К. Е. Ворошилов номли Тошкент қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг цехларида ишлаб чиқариш бригадаларининг иш сифати баҳоланади. Қайси операцияда ва ким томонидан браккa йўл қўйилганлиги, нуқсонларни бартараф этиш учун нималар қилинганлиги маълум қилиб борилади. Бу моддий рағбатлантириш системасида ҳам ўз ифодасини топяпти: маҳсулотнинг юксак сифати учун мукофот ойлик рағбатлантириш пулининг 30 процентигачани ташкил этади. Бундай тартиб, бошқа тадбирлар билан бир қаторда, завод маркаси шарафини юқори тутишга ёрдам беряпти».

(«Правда»нинг 1985 йил 15 февралдаги бош мақоласидан).

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини юксак самарали ва мустаҳкам техника билан тубдан жиҳозлаш асосида унинг илмий техник даражаси кескин ўсишини таъминлашдек кенг миқёсли вазифанинг бажарилиши совет халқи томонидан Озиқ-овқат программасини муваффақиятли амалга ошириш учун барча шарт-шароитларни яратади. Бу хулоса Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми материалларида ҳам таъкидлаб ўтилди.

«Ташсельмаш» заводида ялпи ишлаб чиқарилаётган пахта териш машиналарининг конструкциясини такомиллаштириш бўйича изчил амалга оширилаётган ишлар аслида уларни етарли даражада мустаҳкам бўлмаслиги масаласини, техникани контроль синовдан ўтказишда машина синаш станцияларининг кўплаб салбий тавсияларини кун тартибидан олиб ташлаш имконини берди.

Бу иш мобайнида фақат кейинги икки йил давомида ялпи ишлаб чиқарилаётган машиналар конструкциясига 20 дан кўпроқ ўзгариш киритилди. Бу ўзгаришлар машиналарнинг мустаҳкамлигини, техник-иқтисодий кўрсаткичларини ва механик ҳайдовчининг иш шароитини яхшилашга қаратилган.

Конструкциядаги барча ўзгаришларнинг самарадорлиги контроль синовлар натижалари билан тасдиқланди. Корхонада ялпи ишлаб чиқарилаётган машиналарни янада модернизациялаш бўйича тажриба-конструкторлик ишлари планли равишда амалга ошириляпти.

Бироқ, эришилган натижалар бизни тўла қаноатлантирмаяпти.

Пахта териш машиналарининг чидамлилиги ҳали шу кун талабларига тўла жавоб бермайди. Жумладан, анча йилларлан бери машина синаш станцияларн протоколларида айрим тақрорланадиган нуқсонлар қайд этилмоқда. Айрим деталлар ва узелларнинг зарур даражада мустаҳкам бўлиши таъминланмаган. Кўпинча машинани йиғишда ва пардозлашда пала-партишликка йўл қўйиладики, бу унинг кўримига путур етказади. Булар ҳаммаси коллективдан олдинда турган масалалар билан жиддий шуғулланишни, чуқур, кўп планли ташкилий-инженерлик изланиши олиб боришни тақозо этди.

Аниқланган нуқсонларни бартараф этиш бўйича тезкорлик билан тадбирлар белгилаш, уларнинг юзага келишини текшириш, сабабларини атрофлича таҳлил қилиш ва айбдорларни аниқлаш учун заводда «Сифат маркази» ташкил этилди. Унинг асосий вазифаси камчиликларни ва бракнинг олдини олишда энг яхши ютуқларни пропаганда қилишдан, назорат методологиясини ишлаб чиқишдан ва унинг илғор формаларини амалда қўллашдан, аниқланган нуқсонларни, айниқса такрорланадиган, типик бўлган, технология интизомини бузиш натижасида келиб чиқадиган нуқсонларни намойиш қилишдан ва атрофлича муҳокама этишдан иборатдир.

Маълумки, ҳар қандай ишнинг муваффақияти меҳнатни яхши ташкил этишгагина эмас, балки ижро этиладиган ишнинг аҳамиятига ҳам боғлиқ. Шу боисдан завод раҳбарлиги сифатни яхшилаш бўйича барча ишларни партия ва жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам алоқада амалга оширяптики, бу сўзсиз, меҳнат коллективларида, айниқса бригадаларда зарур муҳитни юзага келтиради, қабул қилинаётган қарорларнинг таъсирчанлигини оширади.

Шу нарса тушунарлики, қисқа муддатларда ишлаб чиқаришни етарли даражада чуқур техник қайта қуроллантиришни амалга оширмасдан юксак самарали ва ишончли техника яратиш ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Цехларда шу кун талабларига жавоб берадиган пахта териш машиналари яратиш учун зарур шарт-шароит юзага келтириш лозим.

Заводда бу борада катта ишлар амалга ошириляпти. Буни «Ташсельмаш»ни техник қайта қуроллантиришнинг иккинчи навбати деб баҳолаш мумкин. Ишлаб чиқаришни инженерлик жиҳатидан таъминлаш базасини мустаҳкамлаш масалаларини ҳал этиш билан узвий равишда, биз тайёрлов, пайвандлаш, механика-йиғув ишлаб чиқаришларини модернизациялаш йўлини тутдик.

Бўяш сифатини яхшилаш борасида пардозлаш деталлари класини ундан бешга кўтариш кўзда тутилади. Бунинг учун, масалан, бункерлар цехида бункернинг катта узелларини, тунукадан тайёрланган деталларни бўяш учун айрим автоматлашган линиялар ўрнатилади, шунингдек бош конвейерда йиғилган пахта териш машинасини бўяш линияси модернизация қилинади. Ҳозирги пайтда заводнинг Сирдарё шаҳридаги филиалида узелларни пневматик усулда пуркаб бўяш бўйича бўяшқуритиш комплекси қуриляпти.

Йиғув ишлари ҳам эътибордан четда қолмайди. Жумладан, тракторларни демонтаж қилиш участкаси реконструкция қилинади. Бунда трактордан олинган деталларни сақлаш ва ўраш яхшиланади. Бунинг герметик кабинали тракторлар ишлаб чиқаришдаги аҳамияти катта.

Илғор технологияни жорий этиш асосида вентиляторлар йиғиш участкасини қайта ташкил этиш планлаштириляпти.

Қисқаси, заводда барча цехлар ва участкалар техник жиҳатдан қайта қуроллантирилади. Ҳозир бу иш «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга ошириляпти.

Албатта, энг замонавий техника ҳам қутилган сифатни таъминламаслиги мумкин. Фақат ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг аниқ системаси илғор технологик жараёнлар ва коллективнинг юксак социал-активлиги билан қўшилганда техник талабларга жавоб берадиган сифатли маҳсулот олиш мумкин.

Заводда маҳсулот сифатини бошқаришнинг комплекс системаси мавжуд. Бу биринчи навбатда талаб этилган сифат даражасини таъминлаш бўйича ишнинг илгариги тарқоқ форма ва методларини ўзаро боғлаш, мувофиқлаштиришда дастлабки даврда ташкилий асос бўлиб хизмат қилганди. Эндиликда эса ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга қаратилган барча тадбирлар амалда маҳсулот сифати билан боғлиқ.

Бунга илғор хулосаларга мувофиқ равишда иш жойларини аттестациялаш мисол бўла олади. У ортиқча ва кам самарали иш жойларини қисқартиришга қаратилган инженерлик ва ташкилий тадбирлар комплексини амалга оширишда методи сифатида пайдо бўлди.

Иш жойларини аттестациялаш ўзининг тараққиёти давомида ҳал этадиган вазифалари миқёсини кенгайтирди. Меҳнатни ташкил этиш даражасини таҳлил этиш, иш жойларини яхшилаш учун бебаҳо ахборотлар берди. Бу ўз навбатида меҳнат унумдорлиги ва сифатини оширишга, меҳнат шароитини яхшилашга ёрдам берди.

Аттестацияни ўтказишда заводнинг барча ишчилари кенг иштирок этиши, иш жойларини яхшилаш бўйича тадбирларни ишлаб чиқишда ишчилар, бригадирлар, мастерлар томонидан киритилган таклиф ва мулоҳазалар эътиборга олиниши коллективнинг социал активлигини оширяпти.

Ишчилар бир-бирининг ўрнини босишини ва иш ҳақини меҳнатнинг пировард натижасига қараб тақсимланишини кўзда тутувчи меҳнатнинг коллектив формасида бу омил алоҳида аҳамият касб этади.

Ўн биринчи беш йилликнинг тўрт йили мобайнида ишчиларни меҳнатнинг бригада усулига жалб этиш қарийб уч баравар ўсди. Ҳозирги пайтда заводда 300 бригада бор. Уларга 90,6 процент ишчи жалб этилган. Ҳозир заводда барча маҳсулотнинг 92 процентн бригадаларда тайёрланади. Барча бригадалар меҳнатнинг пировард натижасига қараб ҳақ тўлаш усулида ишлайди.

Барча бригадаларда иш ҳақи амалда ишлаган вақти ва сифат даражасига қараб, меҳнатдаги иштироки коэффициенти ҳисобга олиниб тақсимланади. Яна бир нарса муҳимки, меҳнатдаги иштирок коэффициенти ҳар куни бригаданинг ҳар бир аъзоси томонидан давлат планининг смена топшириғи бажарилиши асосида белгиланади.

Шуниси диққатга сазоворки, бригадаларда 92 процент маҳсулот биринчи тақдимда топширилади, беш коллективга бригаданинг Сифат тамғаси билан ишлаш ҳуқуқи берилган.

СССР Трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги корхоналарида 1983 йилда ўтказилган кўрик-конкурс натижалари бўйича заводимиз бригада усулини ривожлантириш ва унинг самарадорлигини янада ошириш тадбирлари бўйича юксак кўрсаткичларга эришгани учун ғолиб деб топилди ва соҳанинг Биринчи даражали дипломи билан тақдирланди.

Шуни таъкидлаш керакки, 1979 йилдан бошлаб меҳнатни ташкил этиш ва уни рағбатлантиришнинг илғор формасига тобора кўпроқ бригадалар ўтиши билан ҳар бир ишчи ишлаб чиқарган маҳсулот сифатини шахсан алоҳида баҳолаш системаси ўзини тўла оқламади. Чунки коллектив эндиликда ягона наряд бўйича ишлаётганди. Бу демак, сифат учун масъулият даражаси ҳам умумий бўлиши лозим.

Тайёрланаётган маҳсулот сифатини баҳолаш паспорти ишлаб чиқариш бригадалари учун эскичасига қолди. Бу беш баллн классификатордир. Ў билан ой охирида ўртача коэффициент аниқланади. Бу коэффициент сифат учун берилаётган мукофот ҳажмига пропорционалдир.

Айтайлик, агар назоратчи ишчига ҳар куни беш баллдан қўйиб борса, ўртача ойлик балл ҳам «беш» бўлади. Бундай ҳолда мукофот тўла ҳажмда берилади. Салбий кўрсаткичда эса бракчи мукофотдан қисман ёки тўла маҳрум бўлади.

Эндиликда бу системага битта жиддий ўзгариш киритилди. Эндиликда бригаданинг бир аъзоси йўл қўйган брак учун бутун коллектив жарима тўлайди. Бу бригаданинг ишнинг юксак сифатли бўлиши учун масъулияти даражасини оширади.

Назоратчилар ҳар куни ҳар бир бригадага балл билан баҳо қўяди (5 дан —0,5 гача). Қайси операцияда ва ким томонидан брак содир бўлганлиги, камчиликларни бартараф қилиш учун нималар қилинганлиги маълум қилинади. Ой мобайнида йиғилган баҳолар бўйича бригаданинг ўртача бали белгиланади. Ўртача балл асосида сифат учун мукофот белгиланади. Унинг энг юқори миқдори 30 процентдир.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида товар маҳсулот таннархидаги брак бўлаётган буюмлар салмоғи анча камайди— 1979 йилда меҳнатни ташкил этишнинг бригада усули жорий этилгунга қадар бу кўрсаткич 0,43 процентни ташкил этганди, жорий этилгандан сўнг 1984 йилда 0,23 процентни ташкил этди.

Белгиланган тадбирлар натижасида ишлаб чиқарилаётган техниканинг умумий ҳажмида олий категориядаги механизм ва деталлар миқдори 1984 йилда 48 процентга етди.

Ўн биринчи беш йиллик мобайнида заводда ишлаб чиқариш ҳажмини ўстириш суръати 119,8 процентга юксалди. Ўтган йили планга қўшимча 1 миллион 160 минг сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бу йил коллективимиз 9500 та «зангори кема» тайёрлашга ваъда берган. Ҳозир завод яхши суръатда ишлаяпти. Йил бошидан бери 2368 комбайн ишлаб чиқарилди. Бунинг 18 таси планга қўшимчадир.

Республика қишлоқ хўжалиги ходимлари кенгашида пахтани машинада териш —биз учун жуда катта сиёсий ва социал масала, муҳим халқ хўжалигига молик иш эканлиги, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пахта йиғим-теримини механизациялаш масаласини сиёсий масала деб билиши таъкидлаб ўтилди.

Пахта териш техникасининг аҳамиятини бу қадар юқори баҳолаш бизни қишлоқ хўжалиги шаҳар машинасозлари олдига қўяётган юксак талаблар асосида пахта териш машиналари ишлаб чиқариш учун тинмай интилишга илҳомлантиради.

Х. ҒУЛОМОВ,
«Ташсельмаш» заводи директори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

Эртага—Жаҳон саломатлик куни

«СОҒЛОМ ЁШЛАР—КЕЛАЖАГИМИЗ»

«Соғлом ёшлар — келажагимиз». Бу йилги Жаҳон саломатлик куни ана шундай шиор остида ўтказилмоқда. Ёшларни соғлом, жисмонан бақувват ва тобланган, меҳнатга ва жасоратга шай қилиб тарбиялаш бугунги кунининг муҳим вазифасидир. Бизнинг мамлакатимизда социал вазифалар орасида совет кишиларининг саломатлиги тўғрисида ғамхўрлик қилишдан ҳам муҳимроқ вазифа йўқ. Совет соғлиқни сақлаш системасининг имкониятлари, унинг инсонпарварлик моҳияти, медикларнинг инсон саломатлигини сақлашдаги масъулияти ошиб боряпти. Ўсиб келаётган ёш авлод мамлакатимизда алоҳида ғамхўрлик билан қуршаб олинган. Болалар ҳақида ғамхўрлик қилиш умумдавлат иши, оналик ва болалик муҳофазаси эса — медицина ва социал тадбирларнинг ягона комплексидир.

Совет давлати замонавий мактаблар ва болалар боғчаларн, касалхоналар ва поликлиникалар қурилишига кўп маблағ сарфламоқда. Кўплаб пионер саройлари ва санаторийлар болалар ихтиёрига берилб қўйилган.

Болалар саломатлиги тўғрисида асосий ғамхўрлик қилиш болалар поликлиникалари зиммасига юклатилган. Уларнинг асосий вазифаси профилактика ишларини олиб боришга йўналтирилган. Чунки узоқ умр кўриш асоси эрта болаликдан бошланади. Лекин болалар ва ўсмирларнинг саломатлиги касалхоналар ва поликлиникаларда медицина хизмати кўрсатиш савияси, уларнинг жиҳозланиши, врачларнинг малакасига боғлиқ. Бола аввало онлада камолотга етади. Врачлар қанчалик ҳаракат қилишмасин ота-оналарнинг ёрдамисиз ютуққа эришиб бўлмайди. Биринчи навбатда она бола саломатлигини мустаҳкамлашда врачнинг берган барча маслаҳатларига, тавсиясига аниқ эътибор бериши ва ўни бажаришн лозим. У бетоб бўлиб қолганида ҳар томонлама ғамхўрлик қилиш ва хасталик чўзилмаслигн учун профилактика ишларини олиб бориш керак. Она биринчи навбатда бола саломатлигини тиклашда шифокорларнинг чинакам ёрдамчиси бўлмоғи керак. Ниҳоят она поликлиника билан ҳамкорликда боланн ясли, боғча, мактаб ёшига етказиб тарбиялайди. Ҳар кунги жисмоний машқлар, шахсий гигиенага риоя қилиш, тўғри овқатланиш, кун тартибини бузмаслик — болаларнинг яхши саломатлиги бардамлиги ва маънавий тараққиёти гаровидир. Болалар учун мактабларда иссиқ ва парҳез овқатлар ташкил қилинмоқда. Ўқувчилар, ота-оналар, шунингдек педагоглар ўртасида медицина ва гигиена билимларини пропаганда қилиш мақсадида тез-тез савол-жавоб кечалари ўтказилмоқда, саломатлик университетлари ташкил этилмоқда. Шаҳар соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси қарамоғида 8 та болалар санаторийси ишлаб турибди. Уларда ҳар йилн 10 мингдан зиёд бола саломатлигини яхшиламоқда. Турли типдаги пионер лагерларида, экскурсия, туристик базаларида чорбоғларда 77,5 минг бола, ўсмир тарбияланмоқда, дам олмоқда.

Соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи органлари ўқувчиларни диспансерларда тарбиялаш йўли билан уларнинг саломатлигини муҳофаза қилиш комплекс тадбирларини амалга оширмоқда. Мактабларда эса жисмоний тарбия машқлари мунтазам ўтказилмоқда.

Ўрта ҳунар-техника билим юртлари тармоғи ҳам кенг ривожланиб бормоқда. Ҳозирги пайтда Тошкентда 30 та бундай билим юрти бор. Ўсмирлар уч йил мобайнида бу билим юртларида ўрта маълумот оладилар, касб ўрганадилар ва саломатлигини анча яхшилайдилар. Бу — ўқув тарбия муассасалари, соғломлаштирш масканлари ҳам ҳисобланади. Чунки уларда ёш авлоднинг саломатлиги сақланмоқда ва мустаҳкамланмоқда. Партия ва совет органларининг доимий ғамхўрлиги, база корхоналари ва жамоат ташкилотлари, санитария актнви ёрдамида ҳунар-техника билим юртлари ўқув-ишлаб чиқариш биноларини яхшилаш ва уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқув ва меҳнат жараёнини, шунингдек, ёшларнинг турмуш, овқатланиш, жисмоний тарбияланиши ва медицина хизматидан баҳраманд бўлиши яхшиланиб бормоқда.

Медицина ходимлари жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ёш авлод бардам-қувват ва соғ-саломат бўлиб вояга етишиши учун барча куч-ғайратни сарф этмоқдалар.

Жаҳон саломатлик куни байрам сифатида нишонланмоқда. Бу байрам медицинамиз ютуқлари, касалликлар профилактикаси, ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш ва уларнинг маданиятини ошириш, ёш авлодни коммунистик ғоялар руҳида тарбиялаш байрамидир.

Қ. ТЎЛАГАНОВ,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи.

• Эртага—Геологлар куни

ОНА ЗАМИН БОЙЛИКЛАРИ





Бугунги кунда Ўзбекистон территориясидаги табиий бойликларни очишда геологларимиз самарали иш олиб боришмоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси геология ва геофизика институтининг ходимлари — география фанлари кандидати З. Ҳакимов, лаборатория мудири, геология-минерология фанлари доктори Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган геолог М. Зокиров ва геология-минерология фанлари кандидати. Т. Каржаевлар тадқиқот ўтказишмоқда; 2. Шу институтнинг катта инженери Н. Мусаева ва инженер Ф. Абдуллаевалар иш устида.

М. Нуриддинов фотолари.

20 АПРЕЛЬ - ленинча коммунистик шанбалик

ЮКСАК АҲД

Москваликларни н г доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 115 йиллиги шарафига 20 апрелда Бутуниттифоқ коммунистик шанбалик ўтказишдек ватанпарварлик ташаббусини 159-қурилиш трестининг 22-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари ҳам бир овоздан яқдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Ташаббусга қўшилган қурувчилар шанбалик программаларини ишлаб чиқмоқдалар. Бошқармаининг 300 га яқин қурувчи, ишчи-хизматчи ва инженер-техник ходимлари шанбаликда юксак унум билан меҳнат қиладилар. 150 нафар қурувчи ўз объектларида тер тўкади. Қолганлар эса бошқарма атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштир и ш билан шуғулланишади. Шу куни 200 тун дарахт, 250 туп гул кўчатлари ўтқазилади.

Юнусободнинг СГ—3 кварталида мактаб бунёд этаётган Владимир Воронов бошлиқ бригадаси шанбалик куни кунлик топшириқни икки баравар бажаришга аҳд қилди. «Марказ—2б» кварталида 90 квартирали уй қурилишида тер тўкаётган Абдуазим Юнусов ва Анна Янушкевич бошлиқ бригадалар ҳам В. Воронов бригадаси даъватига қўшилдилар. Улар шу куни юксак унум билан меҳнат қилишиб, янги уйни ҳамшаҳарларимн з г а топширишни янада тезлаштирадилар.

Ҳ. ИНОҒОМОВ.

ИШ ВАҚТИНИНГ ҚАДРИ

ЁКИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ҚАЕРДА ВАҚТЛАРИНИ ЙЎҚОТИШЯПТИ?

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ана шу корхоналарнинг коллективлари 6-троллейбус, 3, 50, 87-автобусларнинг хизматидан фойдаланади. Уларнинг графигидаги ҳар бир узилиш ишлаб чиқаришда акс этади.

3 апрель, соат 19.06. «Чилонзор» метро станцияси бекати. Бу ерда метро пассажирларини 20, 41, 69, 78-автобуслар кутиб турибди. Мана, бекатга 87-маршрутдаги «28—95 ТНЛ» автобуси кириб келди. Ҳайдовчи М. Файзиҳонов айтдики «Машина маршрут бўйича юрмайди».

— Нега юрмайди? — сўради 159-трестнинг 10-қурилиш бошқармаси бош бухгалтери Г. Лемина.

— Гаражга бориш керак,— жавоб янгради.

Маълум бўлишича, М. Файзиҳонов охирги бекатга графикдан 20 минут илгари келган. Маршрутдан эса ўз ихтиёри билан чиқишга қарор қилган. Фақат пассажирларнинг қатъияти унга ўз режасини амалга оширишга имкон бермади. Ҳолбуки, ҳайдовчининг интизомсизлиги маршрутда ҳаракат узилишига сабаб бўлиши мумкин эди.

Соат 19.50. «Подмосковная» охирги бекати. 50-маршрутдаги «13—18 ТНХ» номерли автобус бўш кириб келди. Бизни нега пассажирлар йўқлиги қизиқтирди.

— Машина аэропорт яқинида бузилиб қолди, — дея тушунтирди ҳайдовчи Б. Маткаримов. — Носозликни бартараф этиб, бу ерга белги қўйдиришга келдим. 20.00 гача ишлашим керак.

Во ажаб. Ҳайдовчи деярли бутун маршрутни пассажирларсиз босиб ўтибди, бунга бензин сарфлади. Нима учун шу пайтда бекатларда турган пассажирларни олиб келишни ўзига раво кўрмади экан? Мана сизга ўз вазифасига бўлган муносабат, мана сизга меҳнат интизоми. Ўйлаймизки, 5-автопарк раҳбарлари ҳайдовчининг ишга бўлган бундай муносабатининг сабабини тушунтириб беришар.

Соат 8 дан 19 минут ўтган. «Ҳамза» метро станцияси бекати. 6-маршрутдаги троллейбус кириб келди.

— Графикдан 4 минут илгарилаб келдим, — дейди «2258» рақамли машина ҳайдовчиси А. Қаюмов.— Акс ҳолда охирги «Ғафур Ғулом» бекатига ўз вақтида етиб боролмайман.

Уч минутдан сўнг бошқа троллейбус (номери «2223»), тўрт минутдан сўнг — учинчиси (номери «2303»), икки минутдан сўнг тўртинчиси (номери «2236») кириб келди. Шу тарзда 36 минутда 6-маршрутдаги еттита троллейбус ўтди. Улар деярли бир-бирини қувлаб ўтди. Кейин интервал 30 минутгача етди. Ваҳоланки, линияда 12 та троллейбус бор эди.

Биз 2-троллейбус депосида бўлиб, директор ўринбосари К. Иноғомовдан линияга қанча машина чиққанини сўрадик.

— Бизда 160 та машина бор, шундан 120 таси чиқди.

— Қолганларичи?

— Биз план бўйича аниқ чиқардик, қолганлари ремонтда.

— Нима учун 6-маршрут график бўйича юрмаяпти?

— Бу линия диспетчерига алоқадор масала.

Бироқ, линия диспетчери машиналар ҳаракатидаги нуқсонларга панжа орасидан қараяпти. Хуллас, ҳайдовчиларнинг ишини назорат этадиган одам йўқ, улар бир-бирларини «қувлаб» юришибди.

Студентлар шаҳарчаси 3 апрель. Медиклар шаҳарчаси ва Қорақамиш массиви томон автобуслар тинимсиз ўтиб турибди. Бизнинг эътиборимизни 5-автопаркка қарашли «15—43 ТНЛ» автобуси тортди. Ҳайдовчи Р. Боботоевдан у кимни кутаётганини сўрадик.

— Уйга овқатланишга кетяпман, —жавоб қилди у.

Маълум бўлдики, автобус «Малика» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективига хизмат кўрсатади. 9.00 гача шу корхона ходимларини ишга ташийди. 17.50 дан 18.30 гача уларни уйларига элтиб қўяди. Автобус оралиқ танаффусда қандай иш бажаради?

— 9.20 да 2-филиалга бориб, тайёр маҳсулот олдим ва уни «Узторгодежда» базасига олиб бордим.

Шу йўсиндан идорага бириктирилган автобусдан юк ташиш учун фойдаланиляпти. Тоқат қилиб бўлмайдиган ҳол. Ахир, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори билан идораларга қарашли автобуслар ишчи ва хизматчиларни ташиб бўлгач, пассажир транспорти маршрутларига чиқиши керак.

4 апрель куни эрталаб соат 8 дан 40 минут ўтганда худди ўша жойда биз 3-автопаркка қарашли «09—41 ТНЛ» автобуси турганини кўрдик. Машина заргарлик заводи коллективига хизмат кўрсатар экан. Ҳайдовчи Р. Абдуллаев автопаркдан 6 дан 50 минут ўтганда чиққан ва 8.05 гача корхона ишчиларини ташиган. Кейин бош инженер М. Расуловни олиб келиш учун машинани Студентлар шаҳарчасига бўш ҳайдаб келган. Бироқ, ҳайдовчи ўзининг биттаю-битта пассажирини бесамар кутди— бош инженер келишилган жойга келмади.

— Балки 87-автобусда кетгандир, —деди ҳайдовчи.

Мана, давлат ва меҳнат интизоми қўпол равишда бузилган яна бир ҳол. Бошқаларга меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш борасида ибрат кўрсатиши керак бўлган киши ана шунақа ибрат кўрсатади.

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг ГАИ бошқармаси ходимлари рейд пайтида жамоат автотранспортидан шахсий мақсадларда фойдаланган ҳайдовчиларни ушлашди. Улар орасида Ю. Шамсиев (номери «80—87 ТНИ») ва А. Кизюнов (номери «10—34 ТНК») бор. Уларнинг иккови 12-автобус паркида ишлашади. Кўринг турибдики, бу ерда ҳайдовчилар иши устидан назорат бутунлай йўқ. Шунингдек, йўл ҳақини 1-автопарк ҳайдовчиси В. Ким (номери «10—81 ТНК»), 7-автопарк ҳайдовчиси Р. Валиев (номери «13—30 ТНЛ») ўз киссаларига солишган. «Главташпассавтотранс» раҳбарларидан давлат ҳисобига бойиб олишни истаганлар йўлига қачон ғов қўйилади, деб сўраш ўринлидир.

РЕДАКЦИЯДАН: Ўтказилган рейд пайтида пассажир автотранспортн ишидаги ишлаб чиқариш коллективлари фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган жиддий камчиликлар очилди. Қандай бўлмасин, график бузилишининг ҳар бир ҳодисаси давлат учун план топшириқларн барбод бўлишига сабабчи бўлади. Шу боисдан автобуслар, трамвайлар, троллейбуслар, маршрутли таксиларнинг ҳаракатини тубдан қайта ташкил этмоқ лозим. Шунга эришмоқ керакки, жамоат транспортида қаттиқ тартиб ва интизом бўлсин.

Келгусида рейд бригадамиз аъзолари модалар ателъеларн, «Зангори экран» устахоналарн, химчистка пунктлари, нотарнал конторалар, омонат кассалари, магазинлар, юридик консультациялар, почта бўлимлари, шаҳарлараро телефон станциясининг сўзлашув пунктлари ва хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа корхоналарида бўладилар. Биз тайёрланган материалларда уларнинг ишида қандай камчиликлар борлиги, халқ хўжалигининг ана шу тармоғи ишини яхшилаш учун нималар қилинмоғи кераклиги ҳақида сўзлаб берамиз.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ РЕДАКЦИЯСИНИНГ РЕЙД БРИГАДАСИ.

2 БЕТ ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

6 АПРЕЛЬ, 1985 й.

Фан оламида нима гап?

Чинни хом ашёси

Чинни қадимий маҳсулот бўлиб, кишилар турмуши безагидир. У эндиликда завод ва фабрикаларнинг муҳим материали сифатида кенг қўлланилмоқда. Унинг кўпгина хиллари маълум бўлишига қарамай, сифатини яхшилаш, арзонлаштириш ва ишлатилиш кўламларини кенгайтириш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Республикамизда чинни саноати анча ривож топди. Аммо ҳозиргача чинни учун ишлатиладиган хом ашё Украина ва бошқа ерлардан ташиб келинаётганлиги маълум.

Силикат корхоналарида ишлаб, кейинчалик илмий соҳада иш олиб борган Анвар Исмоилов бу борада кўп изланишлар олиб борди. Етмишинчи йилларда бойитилган яхкиламчи Ангрен каолинининг пиширилиши кинетикасини ўрганишга киришди. Бунинг учун аввало кварцитлар ва кварц-каолин жинслари чинни учун хом ашё бўла оладимийўқми деган саволларга жавоб топиш лозим эди. Дастлаб каолинлардан қурилишлар учун зарур бўлган буюмлар — санитария фаянслари ишлаб чиқариш мумкинлиги илмий асослаб берилди. Кейинчалик республикамизда сероб бўлган минерал хом ашё — волластанитнинг муҳим керамик буюмлар олишда ишлатилиши мумкинлигини исботлади.

Волластанит маҳсулотидан чинни массалари тайёрлаб кўрилди. Кутилгандан аъло натижаларга эришилди. Хом ашё жинсларини майдалашда сувда эрувчи сирт-актив моддаларнинг катта самара бериши тажрибаларда синаб кўрилди, бундан катта иқтисодий самара олиш мумкинлиги амалда исботланди.

Халқ хўжалиги учун катта фойда берадиган бу илмий тажриба ҳаётга йўлланма олишида таниқли олим А. Исмоиловнинг хизмати катта бўлди. Техника фанлари доктори, профессор унвонига сазовор бўлган бу кампир олим ҳозир Тошкент политехника институтининг химия-технология факультетига бошчилик қилмоқда. Кафедрада олиб борилаётган илмий ишлар Иттифоқимизнинг турли завод ва фабрикаларида синовдан ўтмоқда.

Қ. АХМЕРОВ,
профессор.



• Ҳамшаҳарларимиз ҳақида нималар ёзишмоқда

Шахматчилар оиласининг шуҳрати

Георгий Аъзамовнинг шахмат юлдузи кейинги икки-уч йил ичида янги қирралари билан порлади. Ўттиз ёш —шахматчининг етуклик даври, лекин одатда йирик муваффақиятларга бундан илгарироқ эришилади.

Георгий январь ойида Ригага мамлакат чемпионатида иштирок этиш учун келганида республиканинг шахмат доираларида ҳали уни яхши билишмасди. У Ўрта Осиёдаги биринчи гроссмейстер, 52-чемпионат қатнашчилари ўртасида энг юқори шахсий коэффициентга эга бўлган шахматчи эканлиги маълум эди.

Тўғри, бу унинг Ригада учинчи бор бўлиши. У 1971 йилда мактаб ўқувчиларининг Бутуниттифоқ чемпионатида (ўшанда А. Панченкодан сўнг иккинчи ўринни олган) иштирок этган, 1975 йилда эса СССР халқларининг VI Спартакиадасида Ўзбекистон шарафини ҳимоя қилган эди.

Шундан сўнг Тошкент университетининг инглиз филологияси факультетида билим чўққиларини забт этиш ва яна шахмат жангларининг оловига дадил сакраш.

Аъзамовлар ҳамиша шахмат оиласи бўлган. Георгийнинг отаси, Улуғ Ватан урушининг ветерани, республикада хизмат кўрсатган врач Тожихон Аъзамов мастерликка номзод даражасида ўйнаган. Спорт мастерлиги даражасини олган акалари Вячеслав ва Валерий оқ-қора катакларда муваффақиятли дона суришган. Инженер Вячеслав 1965 йилда студент ва ишчи-ёшлар Бутуниттифоқ турнирида ғолиб чиққан. Валерий кўп марта республика терма командаси составида ўйнаган. Шундан сўнг у педагогик ишга ўтиб, шахмат бўйича Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган тренер бўлди.

Лекин Аъзамовлар оиласининг ҳақиқий шахмат шуҳрати ҳали олдинда эди. Бу шуҳратга эришишда Георгийга устозлик қилишган акаларининг хизмати катта бўлди. 1982—1983 йилларда Георгий Югославияда учта турнирда ғолиб чиқди, СССР халқларининг VIII спартакиадасида биринчи тахтада энг яхши натижага эришди. 1984 йил янги муваффақиятлар келтирди: у Колумбиядаги халқаро турнирда ва Сочидаги М. И. Чигорин мемориалида ғолиб чиқди. Сочидаги муваффақият, айниқса, салмоқли бўлди. У 14 имконятдан 10,5 очко тўплаб, М. Таль, Е. Геллер, Л. Псахис, О. Романишиннн ортда қолдирди. Халқаро гроссмейстерлик нормаси бешинчи марта бажарилган эди ва ФИДЕнинг 1984 йил Салоникида бўлиб ўтган конгресси унга ана шу юксак унвонни берди.

Ригага Георгий билан иккала акаси ҳам — дўстлари, маслакдошлари, тренерлари, ёрдамчилари, уллас бир сўз билан айтганда —энг яқин кишилари ҳам келишди. Гроссмейстер тўла куч, ғайрат билан, ҳеч муросасиз ўйнамоқда. У бирор марта ҳам тезлик билан дурангга келишмади, ҳар бир позицияда курашни давом эттириш имкониятларини қидиради. У ҳозирнинг ўзида 52-чемпионатнинг кўпгина рекордларини ўрнатди: у энг узоқ давом этган (III юрмш) партияни ўйнади, энг кўп ўйинларнни кечиктирди, дона суриш пайтида ўйлаш учун ҳаммадан кўп вақт сарфлади, ҳаммадан кўп ғалабага эришди ва ўйинларни ҳаммадан кам дуранг қилди. У кўпгина ёш шахматчилар учун ҳақиқий курашчи намунасидир.

(Редакция изоҳи: 1971 йилда Г. Аъзамов мураосасиз ўйин олиб борганлиги учун Латвия комсомоли Марказий Комитетининг махсус совринига сазовор бўлди).

Георгий Аъзамов мухбиримиз саволларига жавоб берди.

— Сиз ҳамма турнирларда ҳам ана шундай курашга чанқоқ ҳолда, тўла куч билан ўйнайсизми?

— Мен шахмат ўйинининг моҳиятини худди шундай тушунаман.

— Сиз ҳамма вақт ҳам кўп ўйинларни ютасизми?

— Ғалабалар ҳам бўлади. Бу ғал одатдагидан кўп мағлубиятларга учрадим... Аммо турнир ҳали давом этяпти ва пешқадамларгача бўлган «масофа» унчалик олис эмас. **(Редакция изоҳи.** Бу суҳбат турнир ўрталарида бўлиб ўтган эди).

— Сиз учун буюк шахматчилардан қайси бири намунадир?

— Алёхин.

— Сизнинг ўйин услубингиз ўта жисмоний бақувват бўлишни талаб этади. Бунга қандай эришасиз?

— Кроссларда югураман, бассейнда сузаман. Спорт ўйинлари—теннис ва футболни ёқтираман.

— Партияларингиздан қайси бирида жисмоний тайёргарлигингизнинг фойдаси яққол намоён бўлди?

— Ригаликлар мени авф этсинлар-ку, аммо бу ўтган йили Сочида, Чигорин мемориалида Таль билан бўлган учрашувда шундай бўлди. Бу кўп марта кечиктирилган узоқ ва оғир партия бўлди. Рақибим ҳар бир кечиктиришдан сўнг шахмат тахтаси олдига ўтирганимда тобора бардамроқ бўлиб бораётганлигим хусусида газиллашарди. Тахминан 85-юришдан сўнг мен ғалаба қозонишга муваффақ бўлдим.

—Айтингчи, сиз, жанубликка Рига совуқлик қилмаяптими!

— Ҳеч ҳам! Мени илиқ қаршн олишди, шахмат жанглари эса қизғин бўляпти.

Ю. БРЕЖГИС.
(«Спортс») Рига.

СУРАТДА: Валерий Аъзамов, СССР шахмат федерациясининг ранси, космонавт-учувчи Виталий Севастьянов, Георгий Аъзамов, ФИДЕ президенти Флоренсио Кампоманес ва Вячеслав Аъзамов.

Турмуш чорраҳаларида

АХЛОҚИЙ ГЎЗАЛЛИК

Доно бир кекса невара-чевараларини эргаштириб, ўзи бунёд этган боққа олиб кирди:

— Кўзиларим, — деди бобо болаларнинг бошини силаб, — мана бу боққа қаранглар, ҳамма дов-дарахтлар шохларида ноз-неъмат тутиб, сизларга мунтазир бўлиб турибди... Шу боғдаги мевали дарахтларни парваришлаганим учун отамлардан хурсандман. Отам, меҳнатни сев, меҳнат қилсанг роҳат топасан, меҳнаткаш одам ахлоқий гўзал бўлади, дердилар.

Бобонинг Насиба деган қақилдоққина невараси кулиб-эркаланиб сўради:

— Ахлоқий гўзаллик нима, бобожон!

Бобоси Насибанинг юз-кўзларини ғадир-будир қўлларн билан сийпалади-да, гулзор томон юрди:

— Ахлоқ — одамнинг яхши ёки ёмонлигини белгилайдиган бир кўзгудир. Ахлоқи яхши одам — биринчи навбатда меҳнаткаш бўлади, иккинчидан, одамларга меҳрибонлик қилади, учинчидан ҳалол, пок яшайди. Ана шундай одамнинг ахлоқи гўзал, мана бу гулзорга ўхшаган гўзал бўлади, мана бу мевали дарахтга ўхшаб одамларга ноз-неъмат улашади, мевалари пок, ҳалол бўлади... Мен отамнинг ўгитларига амал қилиб, меҳнатни севдим, боғ яратдим, пири-бадавлат бўлиб сиздек кўзиларимни топдим, бировга муҳтож бўлмадим, бировларнинг ҳақига ҳиёнат қилмадим. Сизлар ҳам мен кекса бобонгизнинг ўгитларини унутмасангиз, ахлоқий гўзал бўлиб яшайсизлар.

Байт:
Ахлоқинг гўзал бўлса,
ўсиб-униб гул бўласан,
Ахлоқинг ёмон бўлса,
ёниб-куйиб кул бўласан.

МАНМАНЛИК ЗАВОЛИ

Отахонлар даврасида бир содда киши мўйсафид кексадан узр сўраб, бир воқеани шундай ҳикоя қилди:

— Отахон, бизнинг маҳаллада бир ошпаз бор. Мол-давлати шу қадар кўпки, чамалаб кўрсам етти пуштига етса керак.

Яқинда бир тўй қилдики, қозон-қозон овқатлар, қоп-қоп нонлар, сиҳда кабоблар, қасқонда мантилар исроф бўлиб, қолиб кетди. Ана шу қўшнимизга қачон салом берсам, Кўршерматдек бир нуқтага тикилганча ўтиб кетади. Бир-икки одамлардан, шу киши қанақа, деб сўрасам, «Фалончи акамларни, нима деяпсиз, тилла одамлар-ку, бунақа камтар, олийжаноб одам, юз йилда бир марта туғилади», дейишди. Е алҳазар, мен соддадил, бу одамни билмас эканман-да... Лекин ҳалиям гумоним бор, айтинг-чи камтар, олижаноб одам қандай бўлади!

Даврада ўтирган одамлар содда ва хокисор кишининг дил сўзларини эшитишиб ўйга чўмиб қолдилар. Давранинг ҳурматли мўйсафиди жилмайиб қўйди-да, бу воқеани шундай таҳлил қилди:

— Даврамизда сизнинг ўша маҳалладошингизнинг дабдабали тўй-томоша қилганини, кўп исрофгарчиликлар бўлганини, ҳатто кимларга қилмалар солганини гаплашиб ўтирганди. Сиз суҳбатимизга кечроқ ташриф буюрдингиз. Бировнинг ортидан, ўзи йўқда гапириш нғво бўлади. Лекин бир одамнинг қилмиш-қидирмишидан, феъл-атворидан, манманлик-каландмоғлигидан одил ҳакам — кўпчилик норозн бўлса, у нафрат билан ибрат тарзида гапирилса, жонздир, ўринлидир. Сиз айтган ўша киши калондмоғликда бурнидан қурт, димоғидан алаф тарқалади. Хўш, ойлик маошга қараган, беш-ўн боланн боқаётган, ҳалол ишлаётган ер-хотин бир ҳовлидан маҳалладошингиздек дабдабали тўй-томоша қила оладими! Йўқ, албатта. Ҳар икки-уч йилда янги машина олиб минаоладими! Йўқ, албатта.

Шундай экан, билингки ўша калондмоғ қўшнингиз кўпчилнкнинг ҳақини юлади, бировларга хиёнат қиладн, харом нарса оладн-да, ҳеч иккиланмай диёнатини ютади. Меҳнатсиз топилган давлат одамнинг димоғини шишириб, ҳавойи қилиб кўяди. Ана шундан кейин, ҳатто ерга оёқ босаймн-босмаймн, дейдиган, кўзига оддий одамлар хунук-бачкана кўринадиган, ҳеч кимни менсимайдиган бўлади. Энди у шуҳрат орттиргиси, «фалончихон» деган ном чиқариш кўйига тушади. Бу йўлда ҳеч нарсасини аямайди. Дабдабали тўй-томошалар қилиб «фойдаси тегадиган» одамларнга 60—70 талаб тўн кийдиради, сарполар улашади. Халқ мулкини, давлат маблағини харом йўл билан қўлга киритиб, тўй қилаётганда, енгил машинасида одамларга лой сачратиб ўтаётганда шу даражада карнллайди-ки, ҳамма унинг назарида қурту-қумурсқа бўлиб кўринади. Лекин, доно халқ айтганидек, қинғир ишнинг қийиғи барн бир чиқади. Муғомбир харомхўрлар фош бўладн. Эшитмадингизми, ўша калондмоғ қўшнингиз куни-кеча қамалди, ҳақ йўлида қарор топди.

Камтар киши бунинг тамоман акси бўладн. Ҳалол меҳнат қиладн, кўпчилнкнн ҳурмат-иззат этади, муомала-муносабатда самимий бўладн, одамларни севадн, ўзи ҳам севиладн.

Байт:
Камтарнинг камоли —
офтобнинг жамоли,
Ким калондмоғ
бўлса, етар заволи.
Тўлқин РАСУЛЕВ.



• Филателия ишқибозлари, Сизлар учун!

ХАЛОСКОРЛАРГА БАҒИШЛАНГАН МАРКАЛАР

Инсониятни фашизм асоратидан озод қилиш учун бўлган сўнгги жангларда ҳам юзлаб, минглаб асл фарзандларимиз ўз жонларини қурбон қилдилар.

1946 йили Берлин учун бўлган шиддатли жангларда ҳалоқ бўлган жангчилар хотирасига ёдгорлик ўрнатишга қарор қилинди. Шу туфайли совет солдати ҳайкали учун конкурс эълон қилинганида, турли мамлакатлардан жюри ҳайъати адресига 52 та лойиҳа келиб тушди. Улар орасида ҳайкалтарош Е. В. Вучетич ва архитектор Я. Б. Белопольскийларнинг лойиҳаси маъқул топилди. Ҳайкални Берлиннинг энг гўзал жойларидан бири Трептов паркига ўрнатишга қарор қилинди. Натижада 13 метрли бўйи-бастн билан бир қўлида паст томонга туширилган қилич, бир қўлида эса ёшгина қизчани кўтариб олган совет жангчисининг қиёфаси акс эттирилган ёдгорлик ҳайкали қад кўтарди. Эндиликда бу ёдгорлик бу ерга келувчиларнинг диққатини ўзига тортади.

Ҳайкалга разм солган киши кўп нарсаларни англаб олиши қийин эмас. Ҳайкалдаги қиличга эътибор берсангиз биз ҳеч кимга ҳеч қачон ярог кўтармаймиз, лекин кимда-ким бизга қилич кўтариб келса, ўзи ўша яроғдан нобуд бўлади, деган маънони ўқиб олиш мумкин. Солдат қўлидаги қизча эса, ўз ота-онасини урушда йўқотган минглаб болалардан бири. Шуниси эътиборлики, жангчи кўтариб олган қиз, немис қизи.

Ҳайкал авторларини рейхканцелярия учун бўлаётган охирги жангларда полкларимиздан бирининг жангчиси Николай Масалов уч ёшли қизча ҳаётини сақлаб қолганлиги илҳомлантирган бўлиши мумкин.

1951 йилга келиб, бу ёдгорлик почта маркасига кўчирилди. Рассом Е. Соколов Бутунжаҳон тинчлик тарафдорларининг доимий комитетн Стокгольм конгрессига бағишлаб тайёрлаган маркасида шу ёдгорлик ҳайкалини мавзу қилиб олди.

1961 йилга келиб, Халқаро қаршилик кўрсатиш ҳаракати қатнашчиларининг федерацияси ташкил этилганига 10 йил тўлиши муносабати билан рассом Л. Завьялов томонидан яна шу темага мурожаат қилинади.

1975 йилда Москвада халқаро Филателия жамиятининг кўргазмаси очилиб, унда совет халқининг фашизм устидан қозонган Буюк Ғалабасига бағишлаб маркалар намойиш қилинди. Ана шу кўргазмага бағишлаб чиқарилган маркада ҳам асосан совет жангчиси акс эттирилган.

Совет филателиясида Улуғ Ватан урушн мавзуси алоҳида ўрин эгаллайди. Бу мавзуда юзлаб, минглаб ранг-баранг почта маркалари чиқарилган. Маркашунослар бу маркаларни жуда эҳтиётлаб асраб-авайлайдилар. Чунки вақт ўтиши билан ҳар бир марканинг ўз даврининг кичик қоғоздаги акси сифатида қиймати ошиб боради.

И. УСМОНОВ,
Бутуниттифоқ Филателия жамиятининг вазоси.

• Сўраган экансиз...

Асалнинг хосияти

Ҳурматли редакция! Асалнн фойдали дейишадн. Тўғри, табиат неъматларининг деярли ҳаммаси ҳам фойдадан ҳоли эмас. Бироқ асал тарихи, унинг қандай дардларга даво бўлишини билмаймиз. Шу ҳақда мақола ўқишни истардик.
Ҳаким НИШОНОВлар оиласи.

Табобат илмининг бобокалони Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» китобида шундай деган: «Асалда тозаловчи, томирларнинг оғзини очувчи, ҳўлликларни шимирувчи қувват бор. Кўз хираланишини кетказади. Асални танглай билан эзиб сўриш ва ғарғара қилиш бўғмаларни тузатади, безларга фойда қилади. Асал суви меъдани кучайтиради ва иштаҳани очади».

Беҳи мевасининг ичини кавлаб, унга асал жойлаб, устини лойлаб, кўрга кўмиб истеъмол қилинса, нафас олишни яхшилайди.

Унинг юрак қисиш касаллигига нафи жуда катта. У қон туфлашни ҳам йўқотади, ўпка найи йўлини намлайди. Лавлаги ва унинг баргини қайнатиб, асал қўшиб суртилса,шишли яраларни тез пишириб даволайди. Темиратқиларни йўқотишда фойда қилади. Асалга сариёғ қўшиб ёки аччиқ бодом қўшиб ишлатилса, кўкракни юмшатиб, одам ўзини енгил ҳис қилади. Табобатда тузни асал билан майиз қўшиб аралашма тайёрлаб чипқонга қўйилади. Бу талқон яранн етилтириб, тезда ўзагини олади.

Асалнинг таркибида 70 дан ортиқ фойдали моддалар мавжуд. Шулардан шакар-глюкоза ва левулеза асални тўйимли қилади. Асал таркибидаги витаминлар турли дардларга даво бўлади. Унинг таркибида бир неча хил ферментлар ва минерал моддалар бор. Буларга калий, кальций, фосфор, кобальт, магний ва бошқалар киради. Бу моддалар одамни тетиклантириб, қувват бахш этади, яшартиради.

Даво экан деб асални кўп ҳам истеъмол қилмаслик керак. Шу боисдан асалнинг озн яхши дейиладн. Ундан бир кунда 20—80 граммгача ейиш мумкин. Одатда асални нон, чой, мева шарбатлари билан қўшиб ейиш мақсадга мувофиқ бўлади. Лимонга асал суртиб чой ичилса, кишн бехад ҳузур қиладн. Бундай ҳолда ошқозон ва ичаклар фаолияти яхшиланиб, зеҳн ўткирлашади. Айтишларича асални эритиб, эрталаб наҳорда ва кечқурун таом олдидан ичилса сил касалига ҳам фойда бўладн.

Асалдан «қувватижон» деган дорн тайёрланади. Бунда асал билан сариёғ баробар олинади. Ҳар иккаласи алоҳида-алоҳида эритилиб, сўнг аралаштирилади. Тайёр аралашма таъбга кўра истеъмол қилинади. Бунда аралашма нонга суртилиб ейилади. Тайёрланган аралашма кўпроқ кексалар ва камқувват болаларга берилса улар тез қувватга киради. Шунинг учун ҳам уни «қувватижон» дейишади.

Асалдан юрак-қон томир асаб ва бошқа касалликлардан қутилиш учун ҳам фойдаланса бўлади. Бунда 200 грамм турпни қириб, унга икки ош қошиғида асал аралаштириб ейиш керак. Буни ҳар ўн кунда 3 кун такрорлаб туриш мақсадга мувофиқ бўладн.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича асал пайдо бўлганига 56 миллион йил бўлган.

Демак, табиатнинг бу неъмати одамзоддан олдинроқ пайдо бўлган экан.

Ҳ. ҲАБИБУЛЛАЕВ,
табиатшунос.



Қани айтингчи, бу кўп шохли дарахт нечта!
К. Рустамов фотоэтюди.

• Билиб қўйган яхши

ТОШКЕНТ ТЕЛЕМИНОРАСИ ҲАҚИДА

● Тошкент телеминораси Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллиги байрамида ишга туширилди.

● Телеминора Республика Халқ Хўжалиги Ютуқлари кўргазмаси территориясида, Бўзсув ГЭСининг қуйи қисмида бунёд этилди.

● Телеминоранинг баландлиги 375 метр. У Франция пойтахти Париждаги Эйфель минорасидан ҳам баланд бўлиб, Осиёда ягона ҳисобланади.

● Тошкент телеминораси мамлакатимизда Москвадаги Останкино телеминорасидан кейин баландлиги жиҳатидан иккинчи ўринда туради.

● Тошкент телеминорасининг вазни 6 минг тонна. У Париждаги Эйфель телеминорасидан баланд бўлишига қарамай, сарполар карийб икки ҳисса енгилроқдир.

● Тошкент телеминорасининг учта тиргаги бўлиб, ҳар бир тиргагининг оғирлиги 120 тонна келади.


● Тошкент телеминораси пойдеворининг ўзига 10 минг кубометр бетон ҳамда темир-бетон ётқизилган.

● Тошкент телеминорасининг икки юзинчи метрида гидрометеорология хизмати ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш лабораторияси жойлашган...

С. РИЗАЕВ тайёрлаган.

Дам олиш соатида

Анограмма—кроссворд



Анограмма ҳам қизиқарли бошқотирма турларидан бири бўлиб, берилган сўздаги ҳарфларнинг ўрнини алмаштирш йўли билан янги мустақил маъноли сўз ҳосил қилинади.

Қуйидаги шакл катакларига энига баён этилган саволлар жавобидаги сўзлар ҳарфини тўғри алмаштирнб, янги мустақил сўзлар билан тўлдирсангиз диноналига ҳам сўз келиб чиқади.

1. Геометрик фигура. 2. Рус ёзувчиси Ю. Бондарев романи. 3. Иссиқ мамлакатлар меваси. 4. Езувчи Чаковский романи. 5. Қатиқдан тайёрланадиган ичимлик.

Тузувчи: **Анвар МИРЗАЕВ.**

●

23 МАРТДАГИ ЛАБИРИНТНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

Чин дўстни кўнгли очиқ кимса топар.

Абай.

«Шанба оқшоми» саҳифасидаги кроссвордларга Т. Муҳиддинов, А. Орипов, М. Шарафхўжаева, В. Муродхўжаева, М. Абдураҳимов, Э. Иноятов, Б. Султонов, А. Мирхолиқов, Н. Жабборова, Н. Аҳмедова, У. Шодиев, М. Ҳамроев, А. Раҳматуллаев, Ф. Тошхўжаева, М. Абдураҳмонова, Н. Маҳмудова ва бошқа кўплаб ўртоқлар тўғри жавоб ёзиб юборишган. Ўтган ҳафта кроссворд ишқибозларидан 120 та хат келди. Редакция хат йўллаган оқшомхонларга ташаккур изҳор қиладн.

• Ҳайвонот олами сирлари

БИОЛОГИК «СОАТ» МЎЪЖИЗАСИ

Қадимда одамларда соат бўлмаган, ўзлари вақтни қуёш ва ой чиқиш-ботишига, юлдузлар ҳаракатига қараб белгиларлаганлар.

Маълумки, табиатда яшайдиган барча жониворларда биологик «соат» мавжуд. Масалан, хўрознинг саҳар пайтида қичқириши тонг ёришини билдиради, мусичанинг «ку-ку»лаши тушнинг энг қизиган пайтини, кун яримлаганини билдиради.

Ҳайвонларнинг яна бир қизиқ одатларидан бири шундаки, улар вақтни аниқ йўналишда фарқлайдилар. Ҳайвонот боғидаги ҳайвонларга кундуз куни соат иккида овқат беришади. Ҳар куни худди шу вақтда ҳайвонлар панжара атрофида тўпланишади ва овқат келишини кутиб туришади.

Ҳайвонлар ичида қиш пайтида жуда кам ҳаракат қиладиган айиқ билан тулкилардир, лекин айиқлар дам олиш кунларн ҳам ҳайвонот боғида одамлар гавжум бўлишини, болалар кўпинча яшикларга конфет, печенье каби ширин нарсалар ташлашини яхши биладн.

Жанубий Америкаиинг фирмаларидан бирида ҳамма оғир ишлар эшакларга юклатилган. Эшаклар яриш кун ишлати, ҳар бир позицияда курашни давом эттириш имкониятларини қидиради. У ҳозирнинг ўзида 52-чемпионатнинг кўпгина рекордларини ўрнатди: у энг узоқ давом этган (III юрмш) партияни ўйнади, энг кўп ўйинларнни кечиктирди, дона суриш пайтида ўйлаш учун ҳаммадан кўп вақт сарфлади, ҳаммадан кўп ғалабага эришди ва ўйинларни ҳаммадан кам дуранг қилди. У кўпгина ёш шахматчилар учун ҳақиқий курашчи намунасидир.

(Редакция изоҳи: 1971 йилда Г. Аъзамов мураосасиз ўйин олиб борганлиги учун Латвия комсомоли Марказий Комитетининг махсус совринига сазовор бўлди).

Георгий Аъзамов мухбиримиз саволларига жавоб берди.

— Сиз ҳамма турнирларда ҳам ана шундай курашга чанқоқ ҳолда, тўла куч билан ўйнайсизми?

— Мен шахмат ўйинининг моҳиятини худди шундай тушунаман.

— Сиз ҳамма вақт ҳам кўп ўйинларни ютасизми?

— Ғалабалар ҳам бўлади. Бу ғал одатдагидан кўп мағлубиятларга учрадим... Аммо турнир ҳали давом этяпти ва пешқадамларгача бўлган «масофа» унчалик олис эмас. **(Редакция изоҳи.** Бу суҳбат турнир ўрталарида бўлиб ўтган эди).

— Сиз учун буюк шахматчилардан қайси бири намунадир?

— Алёхин.

— Сизнинг ўйин услубингиз ўта жисмоний бақувват бўлишни талаб этади. Бунга қандай эришасиз?

— Кроссларда югураман, бассейнда сузаман. Спорт ўйинлари—теннис ва футболни ёқтираман.

— Партияларингиздан қайси бирида жисмоний тайёргарлигингизнинг фойдаси яққол намоён бўлди!

— Ригаликлар мени авф этсинлар-ку, аммо бу ўтган йили Сочида, Чигорин мемориалида Таль билан бўлган учрашувда шундай бўлди. Бу кўп марта кечиктирилган узоқ ва оғир партия бўлди. Рақибим ҳар бир кечиктиришдан сўнг шахмат тахтаси олдига ўтирганимда тобора бардамроқ бўлиб бораётганлигим хусусида газиллашарди. Тахминан 85-юришдан сўнг мен ғалаба қозонишга муваффақ бўлдим.

—Айтингчи, сиз, жанубликка Рига совуқлик қилмаяптими!

— Ҳеч ҳам! Мени илиқ қаршн олишди, шахмат жанглари эса қизғин бўляпти.

Ю. БРЕЖГИС.
(«Спортс») Рига.

СУРАТДА: Валерий Аъзамов, СССР шахмат федерациясининг ранси, космонавт-учувчи Виталий Севастьянов, Георгий Аъзамов, ФИДЕ президенти Флоренсио Кампоманес ва Вячеслав Аъзамов.

РАССОМ ТАБАССУМИ



— Анча озиб қолганга ўхшайсан, дўстим!
— Мана бу юлғичнинг кўлига тушиб шу кунга қолдим.



—Ўғлим турсанг бўлардн, ҳамма аллақачон кетиб қолдн.



—Ишдан ҳайдашган бўлишса ҳам характеристиканн қойил қилиб ёзишибдн яшилмагурлар.



— Азизим, ҳаётки менн таннмаётган бўлсанг!

Ш. Субхонов расмлари.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 Тошкент ВЕТ. ОҚШОМИ

6 АПРЕЛЬ. 1985 й.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 8. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Футбол шарҳи».
10.10 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Шушу—энага» (ВХР).
11.00 «Фронтдан салом». Телевизион бадиий фильм.
12.15 Бандурачилар капелласининг концерти.
12.45 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Тажрибада синаб кўрилган». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 «Онамларнинг мактаби».
16.30 «Л. Почиани рақсга тушади». Фильм-концерт премьераси.
17.05 «Горничлар, қаердасиз!»
17.35 «Дўстлик альбомига». Венгрия.
18.45 «Ишлар ва одамлар». Подмосковье қишлоқ қурувчиларининг меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада формасини такомиллаштириш тажрибаси ҳақида. 1-кўрсатув.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Хавф-хатар. Япония снёсатидаги милитаристик тенденциялар».
19.45 «Фан ва техника».
19.55 Ж. Сарман. «Мамура». Фильм-спектакль.
21.30 «Время».
22.05 «Мамура» фильм-спектаклининг давоми.
23.00 «Футбол шарҳи».
23.30 «Дунё воқеалари».
23.45 МТ ва БР эстрада симфоник оркестрининг концерти.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Виборг». Телефильм.
9.35, 10.35 Н. В. Гоголь. «Улик жонлар». 8-синф.
10.05 «Рус тили».
11.05 Умумий биология. Қушлар ва жониворлар бир том остида. 1-кўрсатув.
11.35, 12.40 Музика. 5-синф. Н. А. Римский-Корсаковнинг «Қорқиз» операси.
12.05 «Фан ва турмуш».
13.10 Табиатшунослик. 2-синф. Кўкламги меҳмонлар.
13.30 Тарих саҳифалари. Т. Мюнцер.
14.10 «Ўқитувчига — музика сабоғи». 2-синф. 4-кўрсатув.
15.10 Қизиқарли физика. «Менга таянч нуқтасини беринг...» 1-кўрсатув.
15.40 А. И. Герцен. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
16.25 «Усимликлар олами».
17.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Славяногорск». Телефильм.
19.00 Ритмик гимнастика.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Гандбол. Европа чемпионларининг кубоги. Хотин-қизлар. Финал. «Спартак» (Киев) — «Раднички» (Югославия).
21.15 Хор ижро этади.
21.30 «Время».
22.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ҳар уч кишидан бири». Бадиий фильм («Ўзбекфильм» ва «Беларусьфильм»).
23.20 «СССР халқ артисти Р. Плятт А. П. Чехов ҳикояларини ўқийди». Фильм-концерт.

● ЎзТВ I

17.35 Янгиликлар.
17.45 «Нурлан бахти», «Саккизоёқлилар», «Қора чигиртка». Мультфильмлар.
18.15 «Пионерлар мамлакатида».
18.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бурчга садоқат...»
19.15 «Агар соғлом бўлай десанг» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Ойбек. «Куёш қораймас».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Павана мавра». СССР халқ артисти Бернора Қориева иштирокида бир саҳнали балет.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Бевором кун». Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—17.15 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Қизиқарли математика».
18.50 «Океандаги орол». Телефильм.
19.10 «Давлат нуқтаи назаридан». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Қария». Телевизион бадиий фильм (рус.).
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 9. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Горничлар, қаердасиз!»
10.10 Ж. Сарман. «Мамура». Фильм-спектакль.
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Бизнинг замондошимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.05 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
16.35 «Будапешт. Москва майдони». Киноочерк.
16.50 Халқ куйлари.
17.10 «Ерда, самода ва денгизда». 17.40 «Бемаврид». Телефильм.
18.05 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. П. Девятаев билан учрашуви.
18.40 Скрипкачи Ш. Лакаташ чалади (ВХР).
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш».
20.00 «Бу заминни севмай бўладими...» Фильм-концерт премьераси.
20.30 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 7-фильм — «Днепр учун жанг».
21.30 «Время».
22.05 «Ёзувчи ва замон». Ю. Бондарев.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Духовой оркестр чалади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Кўкламда, қишлоқда Сидоровлар ҳузурида». Телефильм.
9.35, 10.35 Тарих. 5-синф. Спартак қўзғолони.
10.05, 14.10 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия.
11.35, 12.40 Музика. 7-синф. М. П. Мусоргский.
12.05 «Шахмат мактаби».
13.10 «Табиатшунослик» кўрсатувининг почтаси.
13.40 Совет тасвирий санъати. Б. И. Пророков.
14.40 Тарих саҳифалари. «Унутиш мумкин эмас...» Уч иттифоқчи давлат раҳбарларининг 1943 йил Теҳрон конференцияси ҳақида.
15.40 «Учрашувлар ва мулоҳазалар. Инсон ва космос». Телефильм.
16.30 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
17.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «... 16 ёшгача ва ундан катталар».
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Европа чемпионларининг кубоги. Хотин-қизлар. Финал. «Спартак» (Киев) — «Раднички» (Югославия).
21.15 Хор ижро этади.
21.30 «Время».
22.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ҳар уч кишидан бири». Бадиий фильм («Ўзбекфильм» ва «Беларусьфильм»).
23.20 «СССР халқ артисти Р. Плятт А. П. Чехов ҳикояларини ўқийди». Фильм-концерт.

● ЎзТВ I

17.35 Янгиликлар.
17.45 «Нурлан бахти», «Саккизоёқлилар», «Қора чигиртка». Мультфильмлар.
18.15 «Пионерлар мамлакатида».
18.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бурчга садоқат...»
19.15 «Агар соғлом бўлай десанг» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. Ойбек. «Куёш қораймас».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Павана мавра». СССР халқ артисти Бернора Қориева иштирокида бир саҳнали балет.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Бевором кун». Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—17.20 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Биология. Генетикадан масалалар ечиш. 2-кўрсатув.
18.50 «Гўзалликка таъзим». Телефильм.
19.20 Врач маслаҳати.
19.30 «Илм сари». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «...ва биз биргалашиб курашамиз». Ҳужжатли фильм.
20.40 Эстетика асослари. Социалистик реализм — совет санъатининг ижодий методидир (рус.).
21.20 «Бузулук қарағайзори». Телефильм.
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 10. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 7-фильм — «Днепр учун жанг».
10.40 «Биргаликда ақил оиламиз».
11.00 «Саёҳатчилар клуби».
12.00 «Чемпион мактаби». Телефильм.
12.30 «Тасвирий санъат».
13.15 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар.
16.05 Совет қўшиқларидан концерт.
16.25 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.00 А. Головин. Торли квартет.
17.20 Тарих саҳифалари. «Қалб хотираси». Шуҳрат орденининг нишондорлари ҳақида.
18.05 «Калевала» музикада». 2-кўрсатув.
18.35 «Давр кўзгуси». Мультфильм.
18.45 «Эски шаҳар». Телефильм премьераси.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Қувноқ нотачалар».
19.45 «Дунё ва ёшлар».
20.20 «Қирғиз оҳанглари». Телефильм.
20.30 «Афсона шундай бошланган». Бадиий фильм.
21.30 «Время».
22.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. С. Михалков.
22.25 «Балет ҳақида». СССР халқ артистлари Т. Таякина ва В. Ковтун.
23.30 «Дунё воқеалари».
23.45 «Спорт ҳафталиги».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Пахта нечун оппоқ». Телефильм.
9.35, 10.35 Жамиятшунослик. 10-синф. Барча революциялар ичида энг мураккаби.
10.05, 13.40 Немис тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Умумий биология. Қушлар ва жониворлар бир том остида. 2-кўрсатув.
11.35, 12.40 Тарих. 9-синф. СССРнинг ташкил топиши.
12.05 «Онамларнинг мактаби».
13.10 В. П. Катаев. «Полк ўғли». 4-синф.
14.10 Қизиқарли физика. «Менга таянч нуқтасини беринг...» 2-кўрсатув.
14.40 «Кантемировчилар». Илмий-оммабоп фильм.
14.55 «Сен қонунни биласанми?» Совет адвокатурасининг иши ҳақида.
15.40 Улуғ Ватан урушн йилларида драматургия. Л. Леонов. «Ҳужум».
16.25 «Чашмалар».
16.50 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Музикали киоск».
19.20 «Узингга буюр». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
20.20 Қошиқчилар ансамбли ижро этади.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Социалистик экономикани бошқариш». Телетомошабинларнинг хатларига СССР ФА мухбир аъзоси П. Г. Бунич ва СССР Госплани бўлими бошлиғининг ўринбосари О. М. Юнь жавоб берадилар.
21.15 Халқ куйлари.
21.30 «Время».
22.05 А. И. Куприн. «Қишлоқда содир бўлган воқеа». Телеспектакль.
23.35 «Пойтахт гастролларида». РСФСР халқ артисти Л. Сметанников С. Рахманинов романсларини ижро этади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Расул Ғамзатов». Дағистонлик шоир ижоди ҳақида телефильм.
11.30 Физика. Лазер нима?
12.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари» (такрорий).
12.30 Рус адабиёти. М. Шолохов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари (рус.).
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Қизил ўрмоннинг расмини чизяпман». Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Шоирлар — болаларга».
19.00 Телефильмлар.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Экиш: суръат ва сифат».
20.05 «Русча сўзлашамиз». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»).
20.30 «Ахборот».
20.50 ЎзССРда хизмат кўрсатган артист Ф. Мамадалиев куйлайди.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Номингни унутма». Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.55 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Приморье чинниси жилолари». Телефильм.
18.35 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ҳалоскор совет жангчиси». Кинокўрсатув.
19.40 «Тинч океан дозори». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Эстетика асослари. Социалистик реализм — совет санъатининг ижодий методидир.
21.00 «Бунёдкорлик уфқлари» (рус.).
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 11. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Мактаб ўқувчиларининг Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. П. Девятаев билан учрашуви.
10.15 «Афсона шундай бошланган». Бадиий фильм.
11.15 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
12.15 Е. Полунин раҳбарлигидаги пантомима группаси иштирокида фильм-концерт.
12.45 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.10 «Усмирлар ижоди».
16.40 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
17.15 Арфа квартети чалади.
17.30 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 С. Рахманинов. «Қоя» симфоник фантазияси.
18.35 «Қайтиш». Мультфильм.
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Меҳнат — жамият — инсон».
19.15 И. Сук. Торли оркестр ижроси учун ёзилган серенада.
20.00 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги. Ярим финал. «Рапид» (Вена) — «Динамо» (Москва). Австриядан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Космонавтлар ерда туғилишади». Телефильм премьераси.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.25 Давлат академик Шимол рус халқ хорининг концерти.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Объективда — ҳайвонлар. Бўри». Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Табиатшунослик. 4-синф. Тупроқ ва уни сақлаш. «Иссиққўл этюдлари». Илмий-оммабоп фильм.
10.05, 13.35 Испан тили.
10.55 «Кодраларда ҳовли тўйлари». Илмий-оммабоп фильм.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Л. Н. Толстой. «Уруш ва тинчлик». Романнинг яратилиш тарихи.
11.35, 12.40 Зоология. 7-синф. Йиртқич ҳайвонлар.
12.00 «Жайронлар чўлга мослашишмоқда». Илмий-оммабоп фильм.
12.10 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
13.05 Улуғ Ватан урушн даври адабиёти. 10-синф.
14.05 Ж. Свифт. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари.
15.05 «Яширин овоз бериб». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.30 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 Л. Бетховен. «Скрипка ва оркестр ижроси учун романс».
18.55 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
19.25 «Узингга буюр». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Ю.А. Жуков суҳбати.
21.20 «Тагиль гулдастасия». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 Венгрия Халқ Республикаси артистларининг концерти.
23.30 Мотобол бўйича СССР кубоги. «Автомобилист» (Элиста) —«Ковров».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма.
11.30 Зоология. Ўргимчаксимонлар.
12.00 Болалар учун. «Бойченак» (такрорий).
12.30 Янгиликлар.
18.00 Янгиликлар.
18.10 «Тенгдошларинг ижодидан».
18.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг».
19.10 «Остонадан ҳатлаб ўт». Ҳужжатли фильм («Ўзбектелефильм»).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Жаҳонгир Иброҳимов Ўзбекистон композиторларининг асарларини ижро этади.
20.15 «Чорвачилик — зарбдор фронт».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Ялла» вокал чолғу ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Сиёсий фильмлар Халқаро симпозиуми». Кинокўрсатув.
23.15 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.35 МТ II
18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 «Кадр ортида». Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар.
19.00 «Бош конструктор». Телевизион бадиий фильм. 1-серия (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
21.30 МТ II

ЖУМА, 12. IV

КОСМОНАВТИКА КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
10.10 «Узингга буюр». Телевизион бадиий фильм. 1- ва 2-сериялар.
12.15 «Усмирлар ижоди».
12.45 Л. Бетховен. 7-соната.
13.10 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Бутун йил мобайнида». Ҳужжатли фильм премьераси.
16.10 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
17.05 «Рус тили».
17.35 «Таллиннинг музикали манзаралари».
18.00 «Подмосковьенинг агросаноат комплекси».
18.30 «Қалбга яқин қўшиқлар».
19.00 «Осмонни қўриқлаб». Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ҳақида ҳужжатли фильм премьераси. «Совет Қуролли Кучлари» туркумидан.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 МТ ва БР рус халқ чолғулари академик оркестрининг концерти.
20.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 8-фильм —«Ҳаёт йўллари».
21.30 «Время».
22.05 Космонавтика кунига бағишланган концерт.
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Ҳар сафар қайта бошдан». Ҳужжатли фильм.
9.35, 10.35 Тарих. 4-синф. «Мен— Совет Иттифоқи гражданиман».
10.05, 14.10 Инглиз тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Эстетик тарбия. Музика санъат тури сифатида. 1-кўрсатув.
11.40, 12.40 Тарих. 7-синф. Е. Пугачёв раҳбарлигидаги деҳқонлар уруши.
12.10 А. Прокофьев поэзияси.
13.10 Физика. 9-синф. Электромагнитизм қонунлари ва уларнинг қўлланилиши.
13.40 Умумий биология. 10-синф. Экологик системалар.
14.40 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
15.10 А. П. Чехов. «Ваня тоға».
15.55 «Санъат — жасоратлар солномаси». СССР халқ рассоми Е. Е. Моисеенко ижоди ҳақида.
16.20 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Ўқитувчига — музика сабоғи». 4-синф. 2-кўрсатув.
19.50 Ритмик гимнастика.
20.20 «Советский воин». Киножурнал.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
21.15 Духовой оркестр чалади.
21.30 «Время».
22.05 Телевизион бадиий фильм премьераси.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Шаталовнинг парвози». Телефильм.
11.00 «Қорқиз». Самарқанд опера ва балет театрининг спектакли (такрорий).
12.00 «Инсон нимаси билан бой». Телефильм.
12.30 Биология. Эволюциянинг асосий йўналишлари.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Алдаркўса». Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим — фахрим».
19.00 «Анъаналар ва замонавийлик».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. Жонибеков билан учрашуви (рус.).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Бўстон» фольклор ансамбли». ЎзССР халқ артисти Раҳима Мазоҳидова иштирок этади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дунё воқеалари».
22.35 «Бахтли бўлишни истасанг». Бадиий фильм.
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.25 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ўқитувчилар учун консультация. Умумий таълим мактабида логопедик ёрдамни ташкил этиш (рус.).
18.50 «Бувимнинг сандиғи». Телефильм.
19.00 «Бош конструктор». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Меҳнат интизомини мустаҳкамлайлик».
20.50 «Баҳорги турнир». Телефильм.
21.05 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
21.30 МТ II

ШАНБА, 13. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 8-фильм— «Ҳаёт йўллари».
10.45 «АБВГДейка».
11.15 Рус халқ хори ижро этади.
11.30 «Чимкент эталони». Телефильм премьераси. «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат» туркумидан.
11.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига бағишланган Бутунроссия бадиий кўргазмаси.
12.15 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телеконкурси.
13.10 «Мардлик қонунига биноан».
13.40 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.10 «Калугада шундай чорраҳа бор...»
15.10 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Бизнинг куйларимиз» (Гана).
15.35 «Дунё воқеалари».
15.50 «В. И. Ленин. Ҳаёти саҳифалари». «Бир бор танланган йўл». Кўп серияли телефильм. 2-фильм — «Учрашув».
16.50 Сиёсий шарҳловчи А. З. Ивашченко суҳбати.
17.20 «Хатолар ороли». Мультфильм.
17.45 «Сандино ери узра тонг». Телефильм.
18.40 «Ҳайвонот оламида».
19.40 «Ветераплар, Сизлар учун».
20.30 «Салом, бу мен». Бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Салом, бу мен» бадиий фильмининг 2-сериями.
23.20 Янгиликлар.
23.30 А. Пугачёва куйлайди.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Болгария радиоси ва телевидениеси болалар хорининг концерти.
10.15 «Сиз яратган боғ».
10.45 «Тонгги почта».
11.15 «Шоирлар Маяковский ҳақида».
12.30 МОЛДАВИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
14.00 «Саёҳатчилар клуби».
15.30 «Дебют». Балерина М. Богданова.
16.00 Шимолий Осетия санъат усталарининг концерти.
17.00 «Қизлар-оналар». Бадиий фильм.
18.35 «Яна бир бор овозингни тинглайман». Р. Желакаева ва П. Деметр иштирокида музикали кўрсатув.
19.05 Мультфильмлар: «Музика», «Қазаклар қандай қилиб мушкетёрларга ёрдам беришди».
19.30 «Здоровье».
20.15 «Халқаро обзор».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Музикали мозайка».
21.15 «Сув полоси». Телефильм.
21.30 «Время».
22.05 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестрининг концерти.
23.25 «Сиз бунга қодирсиз».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Спорт ҳақида ҳужжатли фильмлар.
11.05 «Қувонч». Болалар учун фильм-концерт.
11.30 «Шахмат мактаби».
12.00 «Иқтисодий эксперимент кенг кулоч ёймоқда» (рус.).
12.30 «Бахши шоирлар телевизион конкурси». З. Исломов, Р. Қултўраев.
13.30 «Ўқитувчи — мактаб ислоҳотини амалга оширишда асосий фигура». Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари ҳақида.
14.00 «Киноредакция почтасидан».

* * *

18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Жасур чигиртка», «Чумчуқча». Мультфильмлар.
18.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Мўъжизалар оламига саёҳат» (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Цирк! Цирк! Цирк!»
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Дўстлик тароналари». СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари.
23.05 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

ЯКШАНБА, 14. IV

МАМЛАКАТ ҲАВО ҲУЖУМИДАН МУДОФАА ҚЎШИНЛАРИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.35 «Юрий Ракшанинг Куликово майдони». Ҳужжатли фильм.
9.55 «Спортлото»нинг 15-тиражи.
10.05 «Будильник».
10.35 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.35 «Здоровье».
12.20 «Тонгги почта».
12.50 «Совет тупроғидаги учрашувлар».
13.05 «Қишлоқ янгиликлари».
14.05 «Музикали киоск».
14.35 «Бугун — Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни». Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари Бош қўмондони — СССР Мудофаа министрининг ўринбосари, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, авиация Бош маршали А. И. Колдунов сўзи.
14.50 Совет Армияси Марказий академик театрида Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари кунига бағишланган концерт.
15.35 Мультфильмлар: «Столни қандай ташиб келтиришди». «Ваня борарди» расми».
15.50 «Рус масаласи». Телеспектакль премьераси. К. Симонов пьесаси асосида.
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 СССР халқ артисти К. Шульженко концерти (1976 йилда ёзиб олинган).
20.30 «Саёҳатчилар клуби».
21.30 «Время».
22.05 «Сан-Ремо фестивалида».
23.10 «Бу нима деган?» Телеочерк.
23.50 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.20 «Ҳамма нарсани билишни истайман!» Киножурнал.
9.30 Ритмик гимнастика.
10.00 «Рус тили».
10.30 Новосибирск телевидениеси ва радиоси рус халқ чолғулари оркестрининг концерти.
11.05 «Кўҳна Урал». Илмий-оммабоп фильм.
11.20 А. Эшпай. 4-симфония.
12.00 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
13.00 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Улуғ Ватан уруши» киноэпопеяси. 16-фильм — «Польшанинг озод қилиниши». 17-фильм — «Иттифоқчилар».
14.40 «М. Ю. Лермонтов. «Демон». Фильм-концерт. СССР халқ артисти А. Стёпанова ўқийди.
15.25 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
15.55 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Бизнинг куйларимиз» (Гана).
16.20 Останкино концерт студиясида юмор кечаси.
17.40 «Бир соатлик қаҳрамон». Мультфильм.
17.50 «Машҳур совет композиторлари — Ленин мукофотининг лауреатлари». А. И. Хачатурян.
18.55 «Эрта тонгда». Бадиий фильм.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Эртаклар майдони». Телефильм.
20.55 «Дунё ва ёшлар».
21.30 «Время».
22.05 Мотобол бўйича СССР чемпионати. Финал.
22.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Динамо» (Тбилиси)— «Арарат».

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Буни биз ўтмаганмиз». Бадиий фильм.
12.00 «Ўзбекистон спорти» (рус.).
12.30 «Музика истиқболи эгалари».
13.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Қалампи қурол қилиб...» Адабий кўрсатув.
14.00 Реклама.

* * *

18.10 Кўрсатувлар программаси.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
18.50 «Экиш кундалиги».
19.15 «Бугун — Мамлакат ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари куни». Қизил Байроқли Туркистон Ҳарбий округи ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари қўмондони, полковник В. А. Цивашов сўзи (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Ғалабанинг 40 йиллигига ҳамда республика комсомолининг 60 йиллигига бағишланган ҳарбий-спорт байрами (ёзиб олинган).
20.30 «Ахборот».
20.50 Дам олиш концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Қалбим самода». Бадиий фильм.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

МАКУЛАТУРА ТОПШИРУВЧИ ГРАЖДАНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Ҳамза районидаги Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз ремонт заводи микрорайонида (М. Ашрафий кўчаси, 95-«а» уй) ЯНГИ ҚАБУЛ ПУНКТИ ОЧИЛДИ.

73-қабул пунктига 5, 26-трамвайлар; 12, 22, 52, 61, 68-автобуслар билан борилади («Рисовая кўчаси» бекати).

ТОШКЕНТ ШАҲАР «ВТОРСИРЬЕ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ-ТАЙЁРЛ А Ш КОРХОНАСИ.

«Ташзаготплодоов о ш ч-торг» тара омборининг йўқолган ШТАМПИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ

6 АПРЕЛЬ, 1985 й.

8 АПРЕЛДАН 14 АПРЕЛГАЧА

ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
Бадиий фильмлар:
10-11 апрелда — ОРИОН СИРТМОҒИ.
12-13 апрелда — ПАРВОЗ.

«ҚОЗОҒИСТОН» КИНОТЕАТРИДА
Ҳужжатли фильмлар:
8-10 апрелда — КОСМОНАВТ КОМАРОВ.
11-14 апрелда — САМО ХРОНИКАСИ.

ЛИСУНОВ НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
Ҳужжатли фильмлар:
8-10 апрелда — ЖАСОРАТ УФҚИ.
11-14 апрелда — ЯГОНА ИЛОЖ.

«ЧАЙКА» КИНОТЕАТРИДА
Бадиий фильмлар:
8-10 апрелда — ЮЛДУЗЛАР ЖИЛОСИ.
11-14 апрелда — КОСМОСДА СИНОВ.

М. ШАЙХЗОДА НОМЛИ КИНОТЕАТРДА
Ҳужжатли фильмлар:
11-14 апрелда — БУЮК ПАРАДОКС. ЭНЕРГЕТИКЛАР САРОЙИДА
Бадиий фильм:
10-11 апрелда — ОЛОВНИНГ БУЙСУНДИРИЛИШИ.

«ЗВЕЗДА ВОСТОКА» КЛУБИДА
Бадиий фильмлар:
9 апрелда — ОРБИТАДАН ҚАЙТИШ.
10-11 апрелда — МАШАҚҚАТЛАР ОША ЮЛДУЗЛАРГА.
10-11 апрелда — ЮГУРИШ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР КИНОФИЛЬМЛАР ПРОКАТИ КОНТОРАСИ.

ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ КИНОЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ.

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
В. И. ЛЕНИН НОМЛИ СССР ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21 АПРЕЛЬ СОАТ 20.00 ДА
САМАРҚАНД ОБЛАСТЬ ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИНИНГ СОЛИСТИ НАСИБА АБДУЛЛАЕВА ИШТИРОКИДА КОНЦЕРТ
БИЛЕТЛАР СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИ КАССАСИДА СОАТ 14.00 ДАН СОТИЛАДИ.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 6/IV да **опера солисти И. Меркулованинг ижодий кечаси** (17.00), **Концерт** (19.30), 7/IV да **Риголетто**, 8/IV да **Ўзбекистон ССР халқ артисти М. Аҳмедованинг ижодий кечаси** (17.00), **Спартак** (19.30).

кино

6, 7 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«СПАРТАК» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 14, 17, 20.00; телефон 44-21-44), **Қозоғистон** (11, 12, 14, 15, 17, 18, 20, 21.00; телефон 35-24-92), **Дружба** (телефон 66-15-75), **Восток** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 91-14-61), **Тинчлик** (10.30, 13.15, 16, 18.45, 21.15; телефон 58-36-02), **Ҳамза номли** (10, 13, 16, 19, 21.30; телефон 91-10-51).
«МУҲАББАТ ҲАСТАЛИГИ» — **Санъат саройи** (11, 13.30, 16, 18.20, 20.30).
«ТЎРТ МУШКЕТЁР» — **Чайка** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00; телефон 77-06-20).

Давлат Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган «Ваҳор» халқ рақс ансамбли коллективи ансамбль чолғучиси
Коммунар Саъриддинович КОМИЛОВнинг
вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади